

**Тошкент Ахборот технологиялари университети
Урганч филиали**

**«Компьютер инжиниринги»
факультети**

**“ Ахборот технологиялари ”
кафедраси**

“Компьютер тизимлари ва тармоклари ” фанидан

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

Урганч – 2015

Сизга тавсия этилаётган «Компьютер тизимлари ва тармоклари» курси бўйича ушбу маъруза матнлари тасдиқланган намунавий дастур асосида ёзилган.

Курсни чуқур ва мукаммал эгаллаш учун қўшимча адабиётлар ва меъёрий хужжатлардан фойдаланишни тавсия этамиз.

Қўлланма бакалавр, магистр, аспирантлар, ўқитувчилар ва илмий изланишлар билан шуғулланаётган ходимлар учун мўлжалланган.

1 – МАЪРУЗА. КОМПЬЮТЕРЛАР, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА АРХИТЕКТУРАСИ.

Р Е Ж А :


1. ЭХМ архитектураси ва унинг қурилмалари.
2. Клавиатурадаги тугмаларнинг вазифалари.
3. Қушимча хизмат қилувчи тугмачалар.
4. Компьютернинг қушимча қурилмалари.
5. Компьютерни ишга тайёрлаш тартиби.
6. Компьютернинг ҳозирги замондаги имкониятлари.

Хар қандай ЭХМ –мураккаб техник система бўлиб юз миллионлаб содда қурилмалар – элементлардан ташкил топади . Ташки қилиниши , улчамлари ва бажарадиган вазифаларидаги фаркка қарамай , турли ЭХМ лар умумий структура ва ишлаш принципига эга , яъни ЭХМ лар қанчалик мураккаблашмасин , уларнинг барчасини тегишли қурилмаларга ажратиш мумкин .Улар арифметик хотира, қиритиш-чиқариш қурилмаларидан иборат.

Арифметик қурилма ёки процессор – ЭХМ нинг ахборотни қайта ишловчи марказий қурилмасидир.

Хотира қурилмаси берилган маълумотни оралик ва охириги натижаларни буйруқларни керакли вақтгача сақлаб туриш ва бошқа қурилмаларга узатиш учун хизмат қилади.

Қиритиш – чиқариш қурилмалари берилган маълумотни машинага қулай шаклда утқазиб , уни хотирага қиритиш ва хотира қурилмасидан керакли шаклда чиқариш учун хизмат қилади .ЭХМ ларнинг блок – схемасини қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Каналлар ташки қурилмалари хотира ва марказий процессор билан боғлаш учун ишлатилади.

Шахсий компьютерларни қуйидаги асосий қурилмасиз тасаввур қилиш қийин. Булар система блоки, монитор (дисплей) ва клавиатурадир (тугмалар мажмуи).

Система блокада компьютернинг қуйидаги асосий элементлари жойлашган:

1. Асосий процессор – компьютер ишини бошқарувчи ва барча ҳисоблашларни бажаради,
2. Тезкор хотира – компьютер томонидан бажариладиган дастурлар юкланади ва бажарилади,
3. Электрон схемалари—компьютернинг турли қурилмаларининг ишини бошқариб туради,
4. Қиритиш чиқариш шартлари –бу шартлар ёрдамида процессор қурилмалар билан ахборот алмашади,
5. Диск юритувчилар –эгиловчан ёки каттик магнитли дисклардаги ахборотларни уқиш ва уларга ёзиш ишларни бажаради.

Процессор ёки микропроцессор программаларнинг ишлашини таъминлайди ва компьютер бошка курилмалари ишини бошқаради. Компьютерлар микропроцессор турлари билан фаркланади. Микропроцессорларни Intel-8086,8088,80186,80286,80386, Pentium каби турлари мавжуд. Одатда уларни киска килиб *i286,i486* ва хоказо ,белгиланади.

Дастлабки компьютерлар Intel-8088 микропроцессори асосида курилган булиб , уларнинг ишлаш тезлиги жуда секин эди. Intel-80286,80386 микропроцессорлари ҳам кейинги турларга нисбатан тезлиги сустлиги сабабли хозирги кунда ишлаб чикарилмаяпти.

1993 йилдан бошлаб Intel фирмаси Pentium микропроцессорини ишлаб чикармоқда.

Монитор – матн ва тасвир курунишдаги ахборотларни экранга чикариш курилмаси. Матн ҳолатида мониторни шартли 80x28 катакларга булиш мумкин .

График ҳолатида экранга матнлардан ташқари расм ва график тасвирлар ҳам чикарилади. Мазкур ҳолда рангли монитор экрани турли ранг қабул қилувчи нукталардан ташкил топади .Бу нукталар сони мониторда 640x80 ли , 16 хил рангли булиши мумкин. Қуйидаги жадвалда мониторларни баъзи бир турларини келтирамыз:

Монитор	Ранги	Матни	Графики	
MDA	Ок-кора	80x20 2та ранг	640x200 2та ранг	EGA-Enhanced Graphic Adapter-яхшиланган график адаптер
EGA	Рангли	80x25 16та ранг	640x350 16та ранг	VGA-Video Graphic Array-видеографик матрица
VGA	Рангли	80x25 16та ранг	640x450 16та ранг	
SVGA	Рангли	80x25 16та ранг	800x600 16та ранг	SVGA-Super VGA

Клавиатура-фойдаланувчи томонидан маълумотларни компьютерга киритишга мулжалланган курилма.

Тугмалар сони ва жойлашиши турли хил компьютерларда ҳар хил булиши мумкин , лекин уларнинг вазифаси узгармайди.

IBM PC клавиатуралари 2 хил ишлаб чикарилади. Кичик—83 та ва катта 101та тугмага эга булган клавиатуралар.

Клавиатурадаги тугмалар бажарадиган вазифасига қараб асосан 3 турга булинади:

1.Символли тугмалар , яъни алифбо ҳарфлари , рақамли ва тиниш белгилли тугмалар .Булар ёрдамида матнлар , формулалар ва бошка маълумотларни киритиш мумкин.

2.Бошқариш тугмалари. Буларга курсорни бошқариш тугмалари ва бир қушишга хизмат қилувчи тугмалар қиради.

Курсор –экраннинг қайси жойига маълумртларни киритишни курсатиб турувчи курсаткич. Ҳар хил дастурларда унинг куруниши ҳар хил булиши мумкин

[→], [←], [↑], [↓] – йуналиш тугмалари ,
[HOME], [End], [PgUp], [PgDn] -- курсорни бошқариш тугмалари дейилади.

Қоидага қура бу тугмаларни босилиши курсорни мос йуналишда (Home-сатр бошига , End-сатр охирига) ва матнни варақлашга (PgUp-юқорига , PgDn-пастга) олиб келади.

3.Функционал тугмалар F1---F12 .Бу тугмалар ҳар хил дастурларда турли хил жиддий вазифаларни бажаради .

Булардан ташқари яна бир неча қушимча хизмат курсатувчи тугмалар мавжуд. Буларни вазифалари қуйидагича:

1.[Shift] – баъзи тугмаларни юқори қисмида жойлашган белгиларни киритиш ёки ҳарфларни бош (катта) ҳарф билан ёзиш учун ишлатилади.

2.[CapsLock]—бош -катта харфларда ишлаш режимига таъминлайдиган тугма .Матнларни алифбодаги катта харфлари билан ёзишда бу жуда қулайдир. Бу тугма такрор босилса , бош харфларда ишлаш режими бекор қилинади.

3.[Enter] (кириш) – тугмаси сатр охирида ёки буйруқ сатрининг охирида , буйруқли бажаришни бошлаш, файлни ишга тушириш ва х.к. да ишлатилади.

4.[Del]—тугмаси тулик “delete” сузидан олинган бўлиб , олиб ташлаш ёки учиритиш деган маъноларни англатади ва курсор турган белгини учиритиш ёки унғ томондаги белгини чақиритиш учун ишлатилади.

5.[Ins]—тугмаси тулик “insert” сузидан олинган бўлиб , суриш маъносини билдиради ва белгиларни киритишда суриш режимидан алмаштириш режимига ўтишни таъминлайди.

6.[BackSpace] ёки Enter тугмаси устидаги чапга йуналган чизик [←] – тугмаси курсордан чапдаги белгиларни учради.

7.[Num lock] – тугмаси босилса клавиатуранинг унғ томонидаги қушимча тугмаларнинг рақамлари режими 0—9 рақамлардан фойдаланиш, акс ҳолда курсорни бошқариш тугмалари ишлайди.

Num lock режими рақамли маълумотларни киритишда жуда қуллаб бўлиб, бу режим ишласигасини индикаторни ёнганидан билиш мумкин.

8. [ESC] – айрим вазиятларда берилган буйруқни инкор қилиш , дастурлардан чиқиш буйруқдан воз кечиш учун ишлатилади.

ESC тугмаси тулик “Escape” сузидан олинган бўлиб қочиш маъносини билдиради .

9.[Ctrl] ва [Alt] махсус тугмалар бўлиб мустақил равишда деярли ҳеч қандай вазифа бажармайди , лекин [Shift] тугмаси қаби бошқа тугмалар вазифасини ўзгартиради. Бу тугмалар бошқа тугмалар билан биргаликда программа ишга таъсир қўсатади.

10.[Pause] ёки [Break] – тугмаси бажарилаётган буйруқ ёки дастурни тўхтатиб туради.

11. [Scroll Lock]—тугмасини босилса клавиатуранинг махсус режимига ўтилади. Бу режимда тугмаларни функцияси ўзгармасида , лекин баъзи дастурларда тугмалар коди бошқача қабул қилинади. Масалан бу режимда баъзи системалар йуналиш тугмаларини мос равишда экрандаги тасвирни бир экран юқорига , пастрга , чапга ёки унғга суришга тушилади.

12. [PrScr]—тугмаси экрандаги тасвирни принтерга чиқаради.

13. [Tab] – бир дарчадан бошқасига ўтиш ёки маълум микдордаги буш жой ташлаш тугмаси.

14. Клавиатуранинг пастрки қисмидаги узун тугма буш жой (пробел) қолдириш учун хизмат қилади.

Тугмаларнинг махсус мажмуалари:

1.[Ctrl]+[Break]—ишлаётган программа ёки команда тугатилишини таъминлайди.

2.[Shift]+PrScr]—экрандаги ахборот нусхасини принтерга чиқариш режимини ўлаш ва учиритиш таъминлайди.

3. [Ctrl] +[Numlock]—программа ишини тўхтатиб туради. Давом эттириш учун ихтиёрый тугма босилади.

4. [Ctrl]+[Alt]+[Del]—компьютерга операцион системасини қайта юқлайди.

Харфли тугмаларнинг ҳар бирида иккита ҳарф ёзилган: латин алифбоси ҳарфлари ва рус алифбоси ҳарфлари.

Бир алифбодан бошқасига ўтиш.

Компьютердан бир алифбодан бошқасига ўтишни махсус клавиатура драйверлари бажаради. (Компьютерга ўланган қурилмаларга хизмат қилувчи дастур Драйвер деб аталади.) . Бу дастур одатда компьютер иш бошлаш жараёнида қўйилади ва оператив хотирага жойлашган бўлади. Бу дастурнинг вазифаси – клавиатурадаги тугмалар босилишини қайд қилиш ва мос белгиларни операцион системаларга ўзатишдан иборат.

Клавиатура драйверлари яратилганда бир алифбодан бошқасига ўтишни таъминлаш учун маълум тугмалар мажмуи босилгандан сўнғ клавиатура драйвери бошқа алифбодаги белгиларни компьютерга ўзатади. Баъзи драйверлар қирилл алифбосига ўтиш

учун [CapsLock] дан , баъзилари чап ва унг [Shift] дан ёки [Ctrl] ва [Alt] тугмаларидан фойдаланилади.

Шахсий компьютернинг кушимча курилмалари.

Компьютер имкониятларини ошириш мақсадида унга турли кушимча курилмалар улашиши мумкин. Бу принтер, сичконча, модем, сканер ва Ҳ.Л.Д.Р.

Бунда:

Принтер – маълумотни коғозга чиқарувчи курилма ,

Сичконча –маълумот киритилишини енгиллаштирувчи манипулятор

Модем – телефон тармоғи орқали бошқа компьютер билан маълумот алмашиш имкониятини беради,

Сканер—коғоздаги маълумотни тасвирий равишда киритади.

Кушимча курилмани улашдан олдин компьютерни учуриш зарур , акс ҳолда компьютер ишдан чиқиши мумкин .

Компьютерни ишга тайёрлаш тартиби:

- 1 Стоблизатор ёкилади;
- 2 Принтер керак бўлса , у ёкилади;
- 3 Монитор ёкилади;
- 4 Система блоқи ёкилади;

Компьютерни учуриш тартиби:

- 1 Ишлаётган программа тугатилади;
- 2 Система блоқи учурилади;
- 3 Принтер ёкиланган бўлса , учурилади;
- 4 Монитор учурилади;
- 5 Стоблизатор учурилади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Арифметик хотира, киритиш-чиқариш курилмалари, система блоқи, монитор (дисплей), клавиатура, процессор, символли тугмачалар, бошқариш тугмачалари, функционал, тугмачалар, модем, сканер, принтер, сичконча.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

1. ЭХМ ыурилмаларини айтинг?
2. Клавиатура нима ва у ыандай вазифани бажаради?
3. Компьютерни ишга тайёрлаш?
4. Компьютер ыандай щчирилади?
5. ШЭЪМларни нечта гуруъи бор?
6. ШЭЪМларнинг хоссаларини айтинг?
7. Процессорнинг вазифаси?
8. Принтерни ишлатиш принципи?
9. ШЭЪМларнинг асосий характеристикаси.
10. Оператив ички хотира, доимий хотира, магнитли дискда тщплагич, магнит тасмасида туплагичлар таъида нималарни биласиз?

2 – МАЪРУЗА.ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРЛАРНИНГ АСОСИЙ БЛОКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

- 2.1 ЭХМнинг таснифи ва тузилиши.
- 2.2 Ахборотларни киритиш курилмалари.
- 2.3 Ахборотларни чиқариш курилмалари.
- 2.4 Мультимедиа воситалари.

2.1 ЭХМнинг таснифи ва тузилиши.

Электрон ҳисоблаш машинаси (ЭХХМ) - компьютер-ҳисоблаш ва ахборот вазифаларини ҳал этиш жараёнида ахборотни автоматик қайта ишлаш учун мулжалланган техник воситалар комплекси.

Амал қилиш принципи бўйича ҳисоблаш машиналари икки катта синф: аналогли (АХМ) ва рақамли (РХМ) га бўлинади.

Ҳисоблаш машиналари	
АХМ	РМ

2.1- расм. Амал қилиш принципи бўйича ҳисоблаш машиналари классификацияси.

Аналогли ҳисоблаш машиналари (АХМ)- узлуксиз ишловчи ҳисоблаш машиналари бўлиб, узлуксиз (ухшашли) шаклда, яъни бирор-бир физик катталиқ (Ҳаммадан купрок электр қучланиши) қийматларининг узлуксиз катори қуринишида тақдим этилган ахборот билан ишлайди.

Аналогли ҳисоблаш машиналари жуда оддий ва фойдаланишга қулай. Уларда вазифаларни ҳал этиш дастурини тузиш одатда куп меҳнат талаб этмайди, вазифаларни ҳал этиш тезлиги оператор моҳиши билан узгаради ва ҳоҳлаганча катталаштирилиши, бироқ вазифаларни ҳал этиш аниқлиги жуда паст (2-5 % нисбатда) бўлиши мумкин. АХМда мураккаб мантиқни талаб этмайдиган дифференциал тенгламалар бўлган математик вазифаларни ҳал этиш анча самаралироқ.

Рақамли ҳисоблаш машиналари (РХМ)- дискретли ишлайдиган ҳисоблаш машиналари бўлиб, дискрет, аниқроғи рақамли шаклда тақдим этилган ахборот билан ишлайди.

Яратилиш босқичлари бўйича ЭХМ классификацияси.

ЭХХМ яратилиши ва элементли базаларидан фойдаланиш босқичлари бўйича шартли равишда қуйидаги авлодларга бўлинади:

1 - авлод, 50 - й. й.: электрон вакуум лампаларда ишловчи ЭХХМ;

2 - авлод, 60 - й. й.: дискрет ярим утқазгичли асбоблар (транзисторлар)да ишловчи ЭХХМ;

3 - авлод, 70 - й. й.: кичик ва ута даражада интеграцияси бўлган ярим утқазгичли интеграл схемаларда ишловчи ЭХХМ (юзлаб-минглаб транзисторлар бир корпусда жойлашган бўлган);

4 - авлод, 80 - й. й.: катта ва урта катта интеграл схемалар - микропроцессорларда ишловчи ЭХМ (ун минглаб - миллионлаб транзисторлар бир кристаллда жойлашган бўлган);

5 - авлод, 90 - й. й.: билимларнинг қайта ишлашнинг самарали тизимларини қуришга имкон берувчи, бир канча унлаб паралел ишловчи микропроцессорлари бўлган ЭХМ; бир пайтда унлаб изчил дастурий буйруқларни бажарувчи, параллел - векторли тузилмаси бўлган ута мураккаб микро-процессорларда ишловчи ЭХХМ;

6 - ва ундан кейинги авлодлар: оммавий параллелизм ва нейтрон тузилмалари - нейтронли биологик тизимлар тузилишини моделлаштирувчи, унча мураккаб

булмаган микропроцессорлар куп сони (ун минглаб) таксимлаш тармоғи булган оптоэлектронли ЭХМлар.

ЭХХМнинг хХар бир кейинги авлоди олдингисига караганда жуда муџим хусусиятларга эга. Жумладан, ЭХХМнинг иш самарадорлиги ва барча ёдда тутувчи мосламалар сигџими одатда анча ортик булади.

Вазифасига кура ЭХМ к л а с с и ф и к а ц и я с и.

Вазифасига кура ЭХМ уч гурухХ: универсал (умумий вазифа), муаммолийуналтирилган ва ихтисослашганга булинади.

У н и в е р с а л ЭХМ л а р турли муХхандислик - техник вазифалар: иктисодий, математик, ахборот ва бошка, алгоритмлар мураккаблиги хамда маълумотларни кайта ишлаш џажмларининг катталиги билан ажралиб турувчи вазифаларни хал этиш учун мулжалланган. Улар оммавий фойдаланиладиган хисоблаш марказлари ва бошка кудратли хисоблаш комплексларида кенг фойдаланилади.

М у а м м о л и - й у н а л т и р и л г а н ЭХМ одатда технологик объектларни бошкариш; нисбатан унча катта булмаган маълумотлар џажмларини руйХхатдан утказиш, тушлаш ва кайта ишлаш; нисбатан унча мураккаб булмаган алгоритмлар хисоб-китобини бажариш билан богглик анча тор доирадаги вазифаларни бажариш учун хизмат килади; улар универсал ЭХХМга нисбатан чекланган аппарат ва дастурий ресурсларга эга булади.

И х т и с о с л а ш г а н ЭХМ тор доирадаги вазифани џал этиш ёки катъий белгиланган гуруХхдаги функцияларни амалга оширишда фойдаланилади. ЭХМнинг бундай тор доирада йуналтирилиши улар тузилмасини аник ихтисослаштириш, иш фаолияти юкори самарадорлиги ва ишончлилигини саклаган холда улар мураккаблиги ва тан-нархини жиддий камайтиришга имкон беради.

Ихтисослашган ЭХМларга, масалан, махсус вазифали микропроцессорлар; айрим номураккаб техник курилмалар, агрегатлар ва жараёнларни бошкариш соҳасида мантикий функцияларни бажарувчи адаптер ва контроллерларни мисол килиб келтириш мумкин.

Хажмлари ва функционал имкониятларига кура ЭХХМ классификацияси :

ЭХХМни хажмлари ва функционал имкониятларига кура ута катта (суперЭХМ), катта, кичик, ута кичик (микро-ЭХХМ) ларга булиш мумкин.

ШЭХМнинг тузилиши.

Шахсий компьютер (ШК) - бу, хаммабоплик ва куллашда Х универсаллик талабларини кониктирувчи бир киши фойдаланадиган микро-ЭХМдир.

ШКнинг афзалликлари куйидагилар Ххисобланади:

- индивидуал џаридор учун мос келадиган даражада нарџининг арзонлиги;
- атроф - мухит шароитларига махсус талабларсиз фой-даланишнинг автономлиги;
- бошкариш, фан, таълим, маиший турмуш соҳасида унинг хилма-хил кулланишларга мослашувчанлигини таъминловчи архитектурасининг тез узгарувчанлиги;
- операциявий тизим ва хоказо дастурий таъминотининг “дустлиги”, улар фойдаланувчига махсус касбий тайёргарликсиз ишлаш имконини беради;
- ишнинг юкори даражада ишончлилиги (5 минг соатдан купрок ишлаш).

2.2 А х б о р о т л а р н и к и р и т и ш к у р и л м а л а р и .

Шахсий компьютер(ШК) фойдаланувчиларига ахборот киритиш турли курилмаларининг кенг тури тавсия этилади. Шундай булсада, купинча ШКлар ягона киритиш курилмаси - клавиатура билан ишлаб чикарилади. Кенг куламда кулланилиши жихатидан клавиатурадан сунг уни функционал жихатдан тулдирувчи турли хил манипуляторлар ва асосан “сичкон” хилидаги манипуляторлар, шунингдек шарли манипуляторлар туради. Бошка киритиш курилмалари айрим вазифа-ларни бажариш учунгина фойдали булгани учун нисбатан кам кулланилади.

Клавиатуралар. ШКларга ахборотни киритиш ва уни бошқаришнинг ягона асосий курилмаси клавиатура эди ва яқин келажакда Ххам шундай бўлиб қолади. У ягона бутунликка бирлашган клавиш матричасидан ва иккилик кодга клавишларни босишни алмаштирувчи (узгартирувчи) электрон блокдан иборат қурилишга эга. Клавиатура эргономли, яъни ишлаш учун қулай бўлиши керак. Клавиатуранинг асосий қулайлик томонлари қуйидагича:

- ШК клавиатуранинг уз урнида умумжамлаб ҳал этиши;
- клавиатура қалинлиги ва унинг қиялиги бурчаги бирмунча ётиқ;
- клавиш жойлашув схемаси, улар рангги, шакли ва улчами;
- клавишни босиш учун керакли қуч ва унинг эркин Ххаракати;
- клавишдаги ёзувнинг осон ўқилиши.

Биз бу курсаткичларни батафсил тарифлаб ўтирмаймиз, лекин қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Биринчидан, клавиатурага тегишли иккита асосий умум таркибий принцип мавжуд. ШКнинг моноблок қурилишида клавиатура системали блокнинг ажралмас таркибий қисми саналади. Яримблокли ШКда у эгилувчан кабел воситасида системали блокка ўланган алоҳида курилма қурилишида ишланган. Кейингиси албатта нисбатан қулайроқ ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳар бир киши ўз қандай ШК билан бир ҳилда яхши ишлай олиши учун клавишнинг жойлашув схемаси (айниқса алфавит-раками) стандартлаштирилган.

Учинчидан, клавишни босиш учун зарур қуч алоҳида ахХамиятга эга. Ута “қаттиқ” клавишлар ишни секинлаштиради ва кишини тез қарчатади. Ута “ёуш” клавишлар эса қуч хатоликка йул қўйишга олиб қелади.

Манипуляторлар. Манипуляторлар (координатдан курсаткичли курилма, курсорни бошқариш курилмаси) ахборотни киритиш учун қўшимча бошқарув пулти ҳисобланади. Клавиатура билан биргаликда ўлар диалогли дастурланган маъсулот билан ёнма-ён фойдаланувчининг ишдаги қулайлигини оширади. Бу ерда йўналишни (курсорни) дисплей экрани бўйича тез ўзгартириш ва меню пунктини танлаш, шунингдек, экран фрагментларини ажратиш талаб қилинади. Шундай қилиб, манипуляторнинг асосий вазифаси курсорнинг экран бўйлаб қўчишини енгиллаштириш ва курсор курсатган экран нуктасини зарур ҳолда белгилашдан иборат. Бир қатор манипуляторлар бундан ташқари экранда тасвир қилиш имконига эга. Ўлар билан ишлашда асосий хусусият шундаки, дисплей экранда манипулятор воситасида ишлаб чиқилган ҳаракатларни тасвирлаш орқали фойдаланувчи билан қайтма алоқанинг албатта мавжудлигидир.

ХХозирда ШКда қуйидаги манипулятор турларидан фойдаланилади:

- жойстик;
- нурли перо;
- “сичкон” типдаги манипулятор.
- шарли манипулятор (шар типдаги манипулятор);
- Isopoint Control - манипулятори.

Жойстик (joystick -даста, рычагли курсаткич демак) курсорни экранда турт йўналишдан бирига қўчишини таъминлайди. У тегишли корпусга ўрнатилган дастак(рычаг)дан иборат.

Нурли перо (Light pen) дисплей экрандаги нуктани курсатиш учун ёки тасвирни юзага келтириш учун қўлланилиши мумкин. У конструкция жиХхатидан ичида фотозлемент бўлган ручкани эслатади.

“Сичкон” (mouse) типдаги манипулятор уни қўлда ясси юза бўйича қўчириш орқали экранда керакли нуктани курсатиш учун курилмадан иборат.

“Сичкон”ларнинг жойлашув координатлари ШКга ўзатилади ва дисплей экрани бўйлаб нукта ёки стрелка қурилишида (одатда- “сичкон” курсаткичи дейишади) курсорнинг тегишли қўчишини юзага келтиради. У тасвир қилиши ҳам мумкин. “Сичкон” конструкция жиХхатидан оддий шнур воситасида ШК-га ўланган ўнча қатта бўлмаган пластмасс қўтичадан иборат.

ХХаракатланиш принцига мувофик механик ва оптик “сичкон” лар бир-биридан фаркланади.

С к а н е р л а р. Сканер (инглизча - scanner сузидан олинган) деб, ШКга тасвир киритиш имконини берувчи курилмага айтилади. Тасвирни киритиш мужжатларини тахрир килиш ва сунг уни чиқариб бериш учун талаб килинади. Сканерлар ШКнинг кушимча бошқарув пулти (БП) Хисобланади. Сканер ва юкори сифатли печатловчи курилма жамланганда ШК турли ахборот материалларини тайёрлаш ва нашр этиш учун автоматлатирилган иш урнига (АИУ) айланади.

2.3 Ахборотларни чиқариш курилмалари.

ШКда куп кулланиладиган ахборот чиқариш курилмалари, аникрогги дисплейлар, принтерлар, графотузгичлар ва овоз синтезаторлари мавжуд. Дисплей хар кандай ШКнинг ажралмас атрибути саналади. Компютер берган ахборотни узок вақт саклаш (хужжатлаштириш) талаб этилмаса принтер шарт эмас, уни дисплей экранидан куришнинг узи етарли. Бирок бундай моллар камдан-кам учрайди ва шу боис ШК одатда принтер билан бирга жамланади.

Д и с п л е й л а р в а д и с п л е й а д а п т е р л а р и. Дисплей деб матнли ва график ахборотни узок вақт кайд этмасдан акс эттирувчи курилмага айтилади.

Дисплей ШКнинг асосий бошқарув пулти хисобланади ва клавиатура ёки бошка киритиш курилмаси оркали киритилган ахборотни акс эттириш учун, шунингдек фойдаланувчига хабарлар бериш, дастурни бажариш давомида олинган маълумотларини чиқариш учун фойдаланилади.

Дисплей ШКга дисплей адаптери (видеоадаптер, ёки видеоконтроллер) оркали уланади.

Купинча “дисплей” атамаси урнига “монитор” (“видео-монитор”) ёки терминал (“видеотерминал”) сузи ишлатилади. Бирор бир жараёни назорат килиш ва тизимни бошқариш учун фойдаланиладиган курилма монитор деб юритилади.

А х б о р о т л а р н и б о с и б ч и қ а р и ш
к у р и л м а л а р и

Босиш курилмаси ёки принтерлар (инглизча-printer) алфавит-ракамли(матнли) ва график ахборотни коғозга тушириш учун мулжалланган. Принтер дисплейдан фаркли равишда чекланмаган вақтгача саклаш мумкин булган тасвирнинг мустаХккам нухасини олиш имконини беради. Босиш курилмаси ШКа кушимча бошқарув пулти хисобланса ҳам, одатда улар жамлама таркибида албатта булади ва параллел интерфейс адаптери оркали уланади.

Киска вақт ичида принтер оддий босиш курилмасидан матнли ва график ахборотни ҳам ок-кора, дам рангли курунишда хужжатлаштирувчи куп имкониятли машинага айланди.

Принтерларнинг асосий техник хусусиятлари:

- ранг имкониятлари (ок-кора ёки рангли принтерлар);
- график имкониятлари ёки унинг йуклиги;
- рухсат бериш (хал этиш) кобилияти;
- олдинги курсаткичлар билан боғлиқ ва уни бойитувчи босиш сифати;
- босиш тезлиги (тез хХаракатланиши);
- нарци.

2.4. Мультимедиа воситалари.

Мультимедиа воситалари (multimedia - купвоситалилик) - бу инсонга узи учун табиий мухит: товуш, видео, графика, матнлар, анимация ва бошкалардан фойдаланиб, компьютер билан мулокотда булишга имкон берувчи техник ва дастурий воситалар мажмуидир.

Мультимедиа воситаларига ахборотни нуткли киритиш ва чиқариш мосламалари; хозирда кенг тарқалган сканерлар (чунки улар компьютерга матн ва расмларни автоматик киритишга имкон беради); юкори сифатли видео(video) ва товушли (sound) платалар, тасвирни видеокамера/видеомагнитофондан кучирувчи ва уни ШКга киритувчи

видеоэгаллаш (video-grabber) платалари; кучайтиргичли, товушли колонкали, катта видеоэкранли юкори сифатли акустик ва видео акс этирувчи тизимлар киради. Бирок мультимедиа воситаларига купинча товушли ва видеоахборотни ёзиш учун фойдаланадиган оптик дискларда катта сиггимли ташки ёдда тутувчи мосламаларни ҳам асосли равишда киритишади.

Оммавий равишда купайтирилаётган компакт дискларни (CD) нарци юкори эмас, уларнинг катта сиггимлиги (650 Мбайт, янги типдагилари - 1 Гбайт) юкори даражада ишончлилиги ва купга чидамлиги мисобга олинса, CDда ахборот саклаш нарци фойдаланувчи учун магнит дискларга караганда киёслаб булмас даражада камдир. Бунинг узи шунга олиб келдики, турли вазифалардаги куплаб дастурий воситалар CD га ёзиладиган булди. Хорижда компакт дискларга жуда кенг маълумотлар базалари, луѓатлар, маълумотномалар, комуслар такдим этилган; шунингдек умумтаълим ва махсус предметлар буйича таълим олувчилар ундан фойдаланишади.

CDдан хорижий тиллар, йул коидалари, бухгалтерлик хисоби, умуман конунчилик урганишда кенг фойдаланилади. Соф маиший жихатдан олганда CDда аудио ва видеоезувларни саклаш, плейрли аудиокассета ва видеокассеталари урнида фойдаланиш мумкин. Ва, албатта, CDда сакланувчи куплаб микдордаги компьютер уйинлари дастурлари хакида ҳам эслатиб утиш лозим.

Шундай килиб, CD-ROM функционал вазифасига кура ҳам, компакт дискларга ёзилган ахборотни кайта акс этириш мухитига кура ҳам хилма хил улкан ахборот хажмларига киришга йул очади.

Хулоса:

Ушбу мавзуда мазкур замонда кулланидиган техник воситалар ва уларнинг ривожланиш тенденциялари баён этилган. Ахборотни автоматик кайта ишлаш учун мулжалланган техник воситаси сифатида Электрон хисоблаш машинасининг (ЭХМ) таснифи ва тузилиши келтирилган. Шу билан бирга ахборотларни киритиш ва чиқариш курилмалари, мультимедиа воситаларининг тузилиши ёритилган. Ушбу мавзу буйича тажриба дарсларида компьютер курилмалари ва клавиатура вазифаларини амалий урганишни ташкиллаштириш тавсия этилади.

Таянч сузлар ва иборалар:

Электрон ҳисоблаш машинаси (ЭХМ); аналогли ҳисоблаш машинаси; рақамли ҳисоблаш машинаси; ЭХМларнинг яратилиш босқичлари; универсал ЭХМлар; муаммоли йўналтирилган ЭХМлар; ихтисослашган ЭХМлар; шахсий ЭХМ (ШЭХМ); ШЭХМнинг клавиатураси; манипуляторлар; сканер; дисплей; ШЭХМнинг босиб чиқариш курилмаси; мультимедиа воситалари.

Назорат учун саволлар:

1. ЭХМлар амал қилиш принципи буйича қандай синфларга бўлинади?
2. ЭХМлар яратилиш босқичлари буйича қандай авлодларга бўлинади?
3. ЭХМлар вазифасига кура қандай гуруҳларга бўлинади?
4. Шахсий компьютернинг (ПК) афзалликлари нималардан иборат?
5. ПК клавиатурасининг асосий қулайлик томонлари нималардан иборат?
6. ПКда қандай турдаги манипуляторлар қулланилади?
7. Сканер курилмаси қандай вазифани бажаради?
8. Дисплейнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
9. Босиб чиқариш курилмасининг асосий техник хусусиятлари нималардан иборат?
10. Мультимедиа воситалари таркибига қандай курилмалар киради?

3-МАРУЗА. Компьютер тизимлари. Асосий тушунчалар ва таърифлар. Компьютер тизимлари ривожининг асосий босқичлари.

Режа:

1. Телекоммуникация тизим ресурслари.

2. ISO баённомалари.

Таянч тушунча: Сеанс, канал, телнет, HTTP, DNS.

Куп сонли ва турли хил аппаратурани ишлатувчи мураккаб жараёни бошқариш тармокланган тармоқдаги кийматларни узатиш ва қайта ишлаш каби қуйидаги жараёнларни шакллантириш (формаллаштириш) ва стандартлаштиришни талаб этади:

•ЭХМ ва телекоммуникация тизими ресурсларини ажратиб олиш ва озода килиш.

- уланишларни урнатиш ва ажратиш;
- кийматларни машрутлаш, мувофиқлаштириш, узгартириш ва узатиш;
- узатиш тугрилигини назорат килиш;
- хатоликларни тугрилаш ва б.

Баённомаларни стандартлаштиришнинг зарурлиги тармоқлар бир-бирини, улар узаро ҳаракат қилганда, тушуниши учун ҳам муҳимдир.

Курсатилган масалалар алоқа урнатилганда ва кийматларни узарганда тармоқ элементларининг узаро ҳаракатини стандартлашган жараёнларини регламентловчи баённомалар тизими ёрдамида ҳал этилади.

Баённома — бу, ҳисоблаш тармоғи объектларининг тармоқдаги маълумотларни мувофиқлаштириш, узгартириш ва узатишнинг корректлигини таъминловчи узаро ҳаракатларининг асосий жараёнлари, алгоритмлари ва шакллари камраб олувчи қоидалар ва усулларнинг йиғиндисидир. Баённомали жараёнларни амалга оширишни, одатда, махсус дастурлар, камроқ ҳолларда аппаратли воситалар бошқаради.

Тармоқлар учун баённомалар одамлар учун тил қабидир. Турли тилларни ишлатиб, одамлар бир-бирини тушунмаслиги мумкин, турли баённомаларни ишлатувчи тармоқлар ҳам шундай. Лекин тармоқ ичида ҳам баённомалар маълумотларга мурожаат қилишни турли хил вариантларини, маълумотлар билан ишлашда қулайликни (сервисни) таъминлайди. Одамнинг тармоқда умуман ишлашининг самарали ва қулайлиги шу қулайликларнинг самарадорлиги, уларнинг ишончлилиги, оддийлиги ва тарқалганлигига боғлиқ бўлади. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (International Organisation for Standardization) томонидан стандарт баённомалар тизими ишлаб чиқилган, улар узаро ҳаракатланиш очик тизимининг модели, (Open System Interconnection — OSI), қўпинча яна очик системаларнинг эталонли *етти* даражалли иерархик модели деб ҳам аталувчи номни олган. Очик тизим — қабул қилинган стандартларга мос равишда бошқа тизимлар билан узаро ҳаракатланиши мумкин бўлган тизимдир. Бу баённомалар тизими «булиб ол ва ҳокимлик қил» техно-логиясига асосланади, яъни узаро ҳаракатнинг ҳамма жараёнларини алоҳида майда функционал даражаларга ажратишга асосланиб, уларнинг ҳар бири учун уларни қўришнинг стандарт алгоритмларини яратиш осондир. OSI модели мослашадиган тармоқли дастурли маҳсулотларнинг стандартларини қўриш учун энг умумий тавсиялар қўрилишига эгадир, у ишлаб чиқарувчилар учун мослашадиган тармоқ *33-жадвал* ISO моделнинг бошқариш даражллари жиҳозларини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади; яъни бу тавсиялар ҳисоблаш тармоқларининг аппаратида ҳам, дастурли воситаларда ҳам ишлатилиши керак. Ҳозирги вақтда очик тизимларнинг узаро ҳаракат модели энг оммавий архитектурали модель бўлиб ҳисобланади. Модель махсус қарорларни эмас, балки умумий вазифаларни регламентлайди, шунинг учун ҳақиқий тармоқлар ҳаракатлар қилиш учун етарли қўлликка эгадир.

ISO даражаси	Вазифаси	Баённомаларга мисоллар
7.Амалий	Фойдаланувчининг амалий жараёнларига тармоқнинг ресурсларига мурожаат қилиш воситаларини таъминлайди; фойдаланувчи дастурлари билан тармоқ ўртасидаги интерфейс ҳисобланади.	X.400, NCP, HTTP, SMTP, FTP, Telnet ва б.
6.Тасвирлаш	Амалий даражадаги ҳамма ўзаро ҳаракат қиладиган объектлар учун қулай бўлган қийматларни тасвирлашнинг стандарт усулларини ўрнатади.	X.226
5.Сеансли	Тармоқли объектлар учун керак бўлган, улар ўртасидаги қийматлар алмашинушини ташкил этиш, синхронлаш ва маъмурий бошқариш учун воситаларни таъминлайди.	X.225
4.Транспортли	Сеансли даражанинг ўзаро ҳаракатланаётган объектлари ўртасидаги ишончли, тежамкорли ва "тинч" маълумотлар узатишни таъминлайди.	X.224, TCP, UDP, NSP, SPP, RH ва б.
3.Тармоқли	Тармоқда қийматлар узатишни маршрутлашни таъминлайди, транспортли даража баённомаларини амалга ошириш учун объектлар ўртасида мантиқий канал ўрнатади.	X.25, X.75, IP, IPX, IDP, TH, DNA—4 ва б.
2. Каналли	Тармоқли даража объектларининг бевосита алоқасини ҳамда тармоқли даража баённомаларини самарали амалга ошириш учун уни қўллаб қувватлашнинг функционал ва жараён воситаларини таъминлайди.	LAP—B, HDLC, SNAP, SDLC, IEEE 802.2, (3, 4, 5, 12) ва б.
1.Физик	Қийматларни узатишнинг физик муҳитини шакллантиради, тармоқ объектларини бу муҳит билан уланишини ўрнатади.	

Шундай қилиб, бошқариш вазифаларини ва ҳисоблаш тармогининг баённомаларини тартибга солиш учун функционал даражалар киритилади. Умумий ҳолатда тармоқ 1 та функционал даражага эга бўлиши керак (33-жадвал).ISO баённомаларининг вазифалари хақида қисқача тушунтиришлар.

7. Амалий даража (application) — тармоқда узатилаётган маълумотнинг манбаи ва истемолчиси булган амалий жараёнларни ва тармоқ терминалларини бошқариш (бошқаради: фойдаланув-чининг дастурларини ишга тушириш, уларнинг бажарилиши, қийматларни киритиш-чиқариш, терминалларни бошқариш, тармоқни маъмурий бошқариш); бу даражада оддийгина қийматларни узатишдан бошлаб, то виртуал ҳақиқат технологиясини шакллантиришгача булган, фойдаланувчининг дастурларини ишга тушириш билан ботик булган турли хил хизматларни фойдаланувчиларга тақдим этишни таъминлайди. Бу даражада, аслини олганда қийматларни узатиш инфраструктураси устидаги усткурма каби булган технологиялар ишлайди: электрон почта, теле ва видеоконференция, ресурсларга масофадан туриб мурожаат қилиш, бутун жаҳон маълумот тармоғи муҳитида ишлаш ва б.

6. Тасвирлаш даражаси (presentation) — тармоқда узатилаётган маълумотларни амалий жараёнлар учун қулай булган қурилишга узгартириш ва интерпретация қилиш (қийматларни мувофиқлаштирилган шаклларда ва синтаксисда тасвирлашни, турли хил тиллардаги дастурларни таржима қилиш ва интерпретация қилишни таъминлайди); амалда бу

даражанинг купгина вазифалари амалий даражада ишлатилган, шунинг учун тасвирлаш даражасининг баённомалари ривожланмаган ва купгина тармоқдарда деярли ишлатилмайди.

5. Сеансли даража (session) — амалий жараёнлар орасидаги алоқа сеансларини ташкил қилиш ва утқишиш (тармоқ абонентлари уртасидаги сеансни ушлаб туриш ва инициаллаш, маълумотларни узатишнинг навбатини ва режимларини бошқариш); уларнинг купгина вазифалари, қийматларни тартибга солинган алмашишини бирлаштиришни ва ушлаб туришни урнатиш қисмида амалда транспортли даражада амалга оширилади, шунинг учун сеансли даражанинг баённомалари чекланган кулланишга эгадир.

4. Транспортли даража (transport) — қийматларни манбадан истеъмолчигача тугри борадиган қилиб узатишни бошқариш (бошқарадиган маълумотларни алмаштириш ва абонентлар уртасида мантикий канални урнатиш, қийматларни узатиш сифатини таъминлаш); бу даражада, тармоқли даражада тақдим этиладиган хизматларни ишлатиш оптималлаштирилади, бу унинг энг кам сарфлар қилиб энг катта утқишиш қобилиятини таъминлаш қисмида ишлатилади; транспортли даражанинг баённомалари жуда кенг ривожланган ва амалда жадал ишлатилади.

3. Тармоқли даража (network) — тармоқда маълумотларни узатишнинг мантикий каналини бошқариш (қийматларни адреслаш ва маршрутлаш, уларни коммутациялаш ва мультиплекслаш); бу даражада тармоқларнинг асосий телекоммуникациявий вазифаси унинг фойдаланувчиларини алоқаси амалга оширилади; тармоқнинг ҳар бир фойдаланувчиси бу даражанинг баённомаларини албатта ишлатади ва бу даражанинг баённомаларида ишлатиладиган узининг ноёб тармоқли адресига эгадир.

2. Каналли даража (data link) — тармоқли даражанинг объектлари орасида маълумотларни узатишнинг физик каналини шакллантириш ва бошқариш (каналларни урнатиш, ушлаб қолиш ва узиб қуйиш); узатишларнинг физик уланишлари тиниклигини (кодга боглик эмаслигини), хатоликларини назорат қилиш ва тугрилашни таъминлаш; бу даражанинг баённомалари куп сонлидир ва узларининг функционал имкониятлари билан бир-биридан жиддий фарқ қилади.


1. Физик даража (physical) — тармоқнинг физик канали билан уланишларни урнатиш, ушлаб туриш ва узиб қуйиш (физик каналга уланишнинг керакли физик, механик ва функционал реквизитлари билан таъминлаш).

Пастда турган даражалар юқорида турганларнинг ишлаш имкониятини таъминлайди; бунда ҳар бир даража фақат қушни даражалар билан интерфейсга эга ва ҳар бир бошқариш даражасида қуйидагилар олдиндан айтиб қуйилади:

- хизматлар спецификацияси (даража нима қилади?);
- баённомаларнинг спецификацияси (бу қандай қилинади?). Курсатилган бошқариш даражаларини турли хил белгилар бўйича гуруҳларга бирлаштириш мумкин:
- пастки 1,2-даражалар ва қисман 3-даража куп жихатдан аппаратли воситалар ҳисобига амалга оширилади; юқори 4—7 даражалар ва қисман 3 даража дастурли воситалар билан таъминланади;
- 1 ва 2-даражалар абонентлик қисм тармоғига, 3 ва 4 даражалар коммуникацион қисм тармоғига, 5,6 ва 7-даражалар эса тармоқда бажариладиган амалий жараёнларга хизмат қурсатади;

• I ва 2-даражалар физик уланишлар учун жавобгардир; 3—6-даражалар маълумотларни абонентлик аппаратураси учун тушунарли маълумотларга узгартириш, узатишни ташкил этиш ва узатиш билан банддир; 7-даража эса фойдаланувчи амалий дастурларининг бажарилишини таъминлайди.

Энг кўп тарқалган тармоқлар: *X.25 тармоғи, Internet глобал тармоғи* ва локал ҳисоблаш



Novell Net Ware тармоғи учун турли хил даражали баённомаларни биргаликда ишлатиш вариантлари 69-расмда курсатилган.

Internet ва Novell Net Ware тармоқлари кейинги параграфда батафсилроқ қуриб чиқилган. 3.1.25 тармоғи телеграфия ва телефония бўйича Халқаро назорат қумитаси (ТТХНҚ) томонидан ишлаб чиқилган классик тулик баённомали тармоқ ҳисобланади. Бу тармоқ ҳудудий ва умумроссия бошқариш органлари, бошқа корпоратив структуралар учун маълумот алмашиш базаси бўлди. X.25 тармоқлари кичик ва катта ЭХМ ларни ишлатишга мувожазланган, Россиянинг юзлаб шаҳарларида мавжуддир ва Ростелеком инфраструктурасига асосланади.

X.25 тармоғи амалий даражадаги ривожланган баённомаларга эга эмас ва фойдаланувчиларга асосан маълумотларни узатишнинг транспорт хизматларини тақдим этади. Маълумотларни узатишдан бошқа талаб этиладиган уамма нарса тармоқ устидаги усткурма каби қушимча равишда ташкил этилиши керак.

Адабиётлар.

1. Айден, Фибельман. «Аппаратные средства РС» Санкт Петербург 1996.
2. Бройдо «Архитектура и программирование IBM» высшая школа. 1994.
3. Нольден «Ваш первый выход интернет» Москва 1996.

4-МАРУЗА. Компьютер тизимларининг функционал ва структурвий ташкил этиш, ҳамда уларнинг хусусиятлари

таянч тушунчалар: интерфейс, адаптер, процессор, станция, сервер.

Тармоқлар — бу тезда мурожаат қилса бўладиган маълумотнинг чексиз тупламидир.

Фирмани самарали бошқариш тижорат ва молия бозорларининг ҳолатини узлуксиз кузатмасдан ва узининг филиали ва ходимлари фаолиятини тезкор узаро мувофиқлаштирмасдан иложи йукдир.

Айтилган жараёнларни амалга ошириш, купинча бир-биридан территория жихатдан узоклашган куп сонли турли хил мутахассисларнинг бошқаришда биргаликда катнашишини талаб этади. Бундай вазиятда бу мутахассисларнинг самарали узаро ҳаракатланиш тизимини ташкил этишнинг марказга тақсимланган ахборот-хисоблаш тизимлари қуйилиши керак.

Маълумотларни тақсимланган қайта ишлаш — ҳудудий жихатдан тақсимланган тизим қуринишига эга бўлиб, бир-бирига боглик бўлмаган, лекин узаро богланган компьютерларда бажариладиган маълумотларни қайта ишлашдир.

Ахборотни тақсимланган қайта ишлаш тизимининг биринчи вакиллари маълумотни телеқайта ишлаш тизимлари ва куп машинали ҳисоблаш тизимлари бўлган эди.

Маълумотларни телеқайта ишлаш тизимлари — бу ахборот-хисоблаш тизими бўлиб, уларда, алоқа каналлари бўйича қайта ишлаш марказига келиб тушувчи қийматларни масофадан туриб марказлашган равишда қайта ишлаш бажарилади.

Куп машинали ҳисоблаш тизимлари — бу бир нечта бир хил ёки мустақил равишда турли хил компьютерларни уз ичига алган тизим бўлиб, унда компьютерлар бир-бири билан маълумотларни алмашиш қурилмаси, хусусан, алоқа каналлари бўйича богланган. Алоқа каналлари бўйича богланганда гап маълумот-хисоблаш тармоқлари устида юритилади.

АХБОРОТ-ХИСОБЛАШ ТАРМОҚЛАРИ.

Ахборот-хисоблаш тармоғи (мумкин бўлган номи — *хисоблаш тармоқлари*) маълумотларни узатиш каналлари билан бирлаштирилган компьютер тизими қуринишга эгадир.

Ахборот-хисоблаш тармоқларининг асосий вазифаси — тармоқдан фойдаланувчиларга турли хил ахборот-хисоблаш хизматларини самарали тақдим этишни таъминлашдир, бу эса фойдаланувчиларнинг бу тармоқда тақсимланган ресурсларга қулай ва ишончли мурожаат қилишини ташкил этиш ёули билан бажарилади.

Охирги йилларда қупчилик тармоқлар хизматининг аксарият қуп қисмини айнан ахборотли хизмат қурсатиш соҳаси ташкил этмоқда.

АХТ асосида қурилган ахборот тизимлари, хусусан, қуйидаги масалаларни самарали бажарилишини таъмиклайди:

- маълумотларни сақлаш;
- маълумотларни қайта ишлаш;
- фойдаланувчиларни маълумотларга мурожаат қилишини ташкил этиш;
- маълумотларни ва маълумотларни қайта ишлаш натижаларини фойдаланувчиларга узатиш;

Қурсатилган масалаларни самарали ҳал этиш қуйидагича таъминланади:

- тармоқда тақсимланган аппаратли, дастурли ва ахборотли ресурслар билан;
- фойдаланувчининг бу ресурсларнинг исталган турига масофадан туриб мурожаат қилиши билан;
- тақсимланган маълумотлар базаси билан бир қаторда марказлашган маълумотлар базаси борлиги билан;
- тизим элементларини захиралаш билан таъминладиган тизим ишининг юқори ишончилиги билан;
- қизгин, тигиз даврларда вазифаларни тезқор қайта тақсимлаш имқонияти билан;

- мураккаб масалаларни тармокнинг бир нечта узелларининг биргаликдаги ишлаши оркали ечиш билан;
- мижозларга тезкор, масофадан туриб ахборотли хизмат курсатиш билан.

АХБОРОТ-ХИСОБЛАШ ТАРМОКЛАРИ ЖИХОЗЛАРИНИНГ ТАРКИБИ.

Тузилиш жихатдан АХЖ уз ичига куйидагиларни олади:

- тармок узелларига жойлаштирилган компьютерлар (ишчи станциялари ва серверлар);
- маълумотларни узатиш аппаратураси ва каналлари, улар билан бирга булган периферия курилмалари билан;
- интерфейс платалари ва курилмалари (тармокли платалар, модемлар);
- маршрутловчилар ва коммутация курилмалари.

Тармокларда, фойдаланувчилар билан алока килиш учун худудий курилмалар билан жихозланган ёки ахборотларни коммутация ва маршрутлаш вазифаларини бажарувчи битта фойдаланувчили мини ва микро ЭХМ лар (шу жумладан шахсий компьютерлар ҳам), кувватли куп фойдаланувчили ЭХМ лар (мини-ЭХМ, катта ЭХМ лар) ҳам ишлатилиши мумкин. Охиргиси маълумот-ларни самарали кайта ишлашни бажарали ва тармокдан фойдаланувчиларни турли-туман ахборот-хисоблаш ресурслари билан масофадан таъминлайди, яъни серверларнинг ва кувватли ишчн станин яларин инг вазифаларини амалга оширади.

ЭХМ нинг ахборотларни узатиш аппаратураси ва видеотерминал курилмалари билан туташтириш курилмаси сифатида куйидагилар ишлатилади:

- Чизикли адаптерлар — бу бир каналли туташтириш курилмаси булиб, улар одатда, аппарат йули билан куйидагиларни бажаради:

- 1) электр сигналларнинг шакллари ва амплитудасини мослаштириш;
- 2) маълумотларнинг кетма-кет ҳамда параллел ва унга тескари холда узгартириш;
- 3) хизматдаги синхронлаштирувчи сигналларни киритиш, англаш ва бартараф этиш;
- 4) узатилаётган сигналлардаги хатоликларни (сигналларнинг шакли, амплитудаси ва бошқа параметрларининг бузилиши) пайкаш.

■ Маълумотларни узатиш мултиплексорлари ёки оддийгина мултиплексорлар — бу куп каналли туташтириш курилмасидир (гурухли адаптерлар). Улар адаптерлар бажарадиган вазифалардан ташкари куйидагиларни ҳам амалга оширади:

- ЭХМ га турли гурухдаги терминал курилмаларини ва улар билан ишлашни галма-гал улаш;
- ЭХМ билан унинг курсатмалари буйича маълумотлар алмашиш;
- маълумотларни ораликда йириш ва эслаб колиш (буферлаш);
- маълумотлар форматларини ва кодларини узгартириш;
- хатоликларни пайкаш, баъзила эса автоматик тугрилашни таъминлайдиган маълумотларнинг ишончлилигини назорат килиш;
- туташтириш аппаратурасининг ишга яроклигини назорат килиш.

Мултиплексорлар оддий бошқариш курилмалари, арифметик ва эслаб колувчи курилмалар, интерфейс блокларини уз ичига олади ва маълумотларни физик ва мантикий мослаштириш вазифаларини, ҳам аппаратли (хусусан, турли хил алока каналлари билан туташтириш учун турли хил чизикли адаптерларни ишлатиш йули билан), ҳам дастурли (дастурлаштириладиган мултиплексорлар) йул билан бажарадилар.

Бомовчи процессорлар компьютер куринишга эга булиб, улар кийматларни мантикий ва ташкилнй мослаштириш вазифасини бажариш учун махсус дастурли воситалар билан жихозланган. БОРЛОВЧИ процессорлар унумдорлирок ЭХМ лар ресурсларининг самарали озод булишига имкон турдириб, узига АХТ ларининг аник сегментларини ташкилий мослаштириш, хизмат курсатиш ва бошқариш вазифаларини олади.

Ишчи станциялар (work station) — бу тармокка уланган компьютер булиб, у оркали фойдаланувчи тармок ресурсларига мурожаат кила олади. Тармокнинг ишчи станцияси ҳам тармокли, ҳам локал режимларда ишлай олади. У хусусий операцион тизим билан жихозланган ва фойдаланувчини узининг амалий Масалаларини ечиш учун барча керакли

нарсалар билан таъминлайди. Ишчи станциялар баъзида график, муҳандислик, ноширлик ва бошқа ишларни бажариш учун ихтисослашади.

Купинча ишчи станцияни (тармок фойдаланувчиси ва хатто тармокда бажариладиган амалий масала каби) тармок мижози деб аташади.

Сервер (Server) — бу тармокнинг барча ишчи станциялар суровларини кайта ишлаш учун ажратилган куп фойдаланувчили компьютер булиб, у бу станцияларга умумий тизим ресурсларига (хисоблаш кувватларига, маълумотлар базасига, дастурлар кутуб-хоналарига, принтерларга, факсларга ва б.) мурожаат килиш им-конини беради ва бу ресурсларни таксимлайди. Сервер узининг тармокли операцион тизимига эга булиб, тармок барча бугинларининг иши унинг бошқаруви остида утади. Серверга куйиладиган энг муҳим талаблар ичида юкори иш унумдорлигини ва ишончилигини ажратиб утиш лозим.

Ишчи станцияларга тармок ресурсларини такдим этишдан ташқари, сервернинг узи ҳам мижозларнинг сурови буйича маълумотларни мазмунли кайта ишлашни бажариши мумкин — бундай серверни купинча кушимча (иловали) сервер деб аташади.

Сервер тармокда купинча ихтисослаштирилади.

Ихтисослашган серверлар маълумотлар базасини ва маълумотлар архивини яратиш ва бошқариш, куп адресли факсимил алоқа ва электрон почтани куллаш, куп фойдаланувчили терминалларни (принтерларни, плоттерларни ва б.) бошқариш буйича тармок ишидаги энг *заиф» жойларни бартараф этиш учун ишлатилади.

Ихтисослашган серверларга мисоллар:

Файл-сервер (File Server) — кийматлар базаси билан ишлаш учун купинча СНҒНМН терабайтгача булган RAID дискли массивлардаги хажмли дискли эслаб колиш курилмаларига эгадир.

Архивли сервер (захирали нусхалаш сервери — Storage Express System) — маълумотларни захирали нусхалаш учун йирик куг1 серверли тармокларда, СНҒНМН 5 Гбайтгача булган алмаштириладиган картрижли магнит лентадаги йигувчилар (стриммерлар) ишлатилади; одатда, тармок маъмурияти томонидан сценарий буйича (табиийки, архив каталогини тузиш билан) серверлардан ва ишчи станциялардан олинган маълумотларни сикиштириш йули билан кундалик автоматик архивлаштиришни бажаради.

Факс-сервер (NeT SatisFaxion) — самарали куп адресли факсли алокани ташкил этиш учун, бир нечта факс-модемли платали, узатиш жараёнида рухсат этилмаган мурожаат килишдан маълумотларни махсус химояли, электрон факсларни сакдаш тизимли ажратилган ишчи станциясидир.

Поттали-сервер (Mail Server) — худди факс-сервер каби, лекин электрон почтани ташкил этиш учун электрон почта кутилари ишлатилади.

Босма сервери (Print Server) — тизимли принтерларни самарали ишлатиш учун.

Аппаратли воситалар билан бир каторда АХТ узининг таркибига мураккаб дастурли ва маълумотли таъминотни олади.

Адабиётлар.

1. Айден, Фибельман. «Аппаратные средство РС» Санкт Петербург 1996.
2. Бройдо «Архитектура и программирование IBM» высшая школа. 1994.
3. Нольден «Ваш первый выход интернет» Москва 1996.

5-МАРУЗА. Кўп машинали ва кўп процессорли компьютер тизимлари. Флин классификацияси. Суперкомпьютерлар ва улар архитектурасининг хусусиятлари.

Режа:

1. ЭХМда маълумот технологиялари эволюцияси.
2. Жамиятни ахборотлаштиришнинг техник жихатлари.

Таянч тушунча: Вертуал хтира, транспьютер, микропроцессор, транссиверлар.

Компьютерни ишлатиш технологияларининг мукаммаллашиши тугрисидаги жадвални куриш оркали олиш мумкин.

уозирги вақтда ҳисоблаш техникаси ривожланишининг асосий йуналиши ЭМ қулланиш соҳаларини янада кенгайтириш ва, натижада, алоҳида машиналардан уларнинг тизимларига — функционал имкониятлари ва тавсифлари кенг диапазонли турли-туман конфигурациядаги ҳисоблаш тизимларига ва комплексларига утишдир.

35-жадвал Компьютерли маълумот технологиялар эволюцияси

Параметр	Технологиянинг ривожланиш босқичлари				
	50-йиллар	60-йиллар	70-йиллар	80-йиллар	90-йиллар
ЭХМни ишлатиш мақсади	Илмий-техник ҳисоблашлар	Техник ва иқтисодий ҳисоблашлар	Бошқариш ва иқтисодий ҳисоблашлар	Бошқариш, маълумотларни етказиб бериш	Телекоммуникациялар, маълумотли хизмат кўрсатиш ва бошқариш
ЭХМнинг иш режими	Бир дастурли	Пакетли қайта ишлаш	Вақтнинг бўлиниши	Шахсий ишлаш	Тармоқли қайта ишлаш
Маълумотлар интеграцияси	Паст	Ўрта	Юқори	Жуда юқори	Ўта юқори
Фойдаланувчининг жойлашishi	Машина зали	Алоҳида хона	Терминал зал	Иш столи	Иккитёрний мобил
Фойдаланувчи тип	Муҳандис-дастурчилар	Профессионал дастурчилар	Дастурчи-фойдаланувчилар	Компьютерни умумий биладиган фойдаланувчилар	Қучсиз ўқитилган фойдаланувчилар
Мулоқот тип	ЭХМ пульта олдида ишлаш	Перфота-шувчилар ва машина-граммалар билан алмашиш	Интерактив (клавиатура ва экран орқали)	Қағий меню бўйича интерактив	"Савол-жавоб" типдаги экранли интерактив

Шахсий ЭХМ лар асосида яратилалиган энг истикболли ҳудуд жихатидан тақенмланган ахборот-ҳисоблаш тармоқлари ахборотни ҳисоблаш билан ишлаб чиқишдан кура купрок коммуникацион ах-борот хизматлари: электрон почта, телеконференция тизимлари ва ахборот-маълумотнома тизимларига йуналтирилмоқда.

ЖАМИЯТНИ АХБОРОТЛАШТИРИШНИНГ ТЕХНИК ЖИХАТЛАРИ.


Муҳахассисларнинг ҳисоблашларича, ХХІ аср бошларида ривож-ланган мамлакатлар жамиятларида асосий ахборот муҳитининг алма-шиши булибутади. Анъанавий маълумот

каналлари {радио, телевидение, матбуот) буйича ва компьютер тармоклари буйича жамият ола-диган маълумотларни солиштирилса, уларнинг ҳажмларини 78-расмда курсатилган диаграмма буйича изохлаш мумкин.

Бугуннинг узида глобал ахборот тармош Internet нинг фойдаланувчилари бу тармокнинг билимлар сакданадиган жойидаги деярли исгалган махфий булмаган маълумотни олишлари мумкин.

Файллар куринишида шакллантирилган Ватикан кутубхонасида-ги ихтиёрий бир неча юз диний китобларни, кулёмаларни ёки сурат-ларни куриб чикиш ёки Укиб чикиш, Карнеги Хилл залидаги муси-кдларини тинглаш, Лувр галереясини «куздан кечириш» ёки АКД1 Президентининг Окуйдаги хонасига «муралаш» мумкиндир; бу супертармокнинг фойдаланувчилари урганиш учун керакли мавзу буйича уларни кизиктирган маколани ёки маколалар тупламини олиши мумкин, тармоқда Узининг янги ишини «чоп этиши», уни манфаатдор мутахассислар бклан мух,окама килиши мумкин.

78-росм Якин
кслажак
жамиятидаги
малумот мухити.
Internet тармогида
«гиперматн»
тамойили ишлатилган,
унта мувофик абонент
укиб чикилаётган
матнда учрайдиган
асосий сузларни
танлаб олиб, керакли
кушимча
тушунтиришларни ва
кушимча мате-
риалларни олиши ва
урганаетган
муаммони ечиш учун
ишлатиши мумкин. Бу
тамойилни ишлатиб,



FTP-мнжоз дастури қийматларни узатиш баённомасини амалга оширибгина қолмасдан, балки FTP-сервер каталогини қучиб қикиш учун, файлларни қидириш учун ва қийматларни қучиришни бошқа-риш учун ишлатиладиган буйруқдар тупламини қўлаб-қувватлайди.

FTP-сервер билан алокани урнатиш учун фойдаланувчи ftp буй-ругани киритиши, кейин эса адресни ёки бу сервернинг домен адресини киритиши қозим.

Агар алоқа урнатилган булса, фойдаланувчи номни киритиш так-лифи пайдо булади. Серверда қайд қилинган фойдаланувчи (унта мурожаат қилишнинг махсус ҳуқуқига эга булмаган) «anonymous» номи билан танишиши ва аниқ бир файлларга ва дастурларга мурожаат қилишга рухсат олиши мумкин. Агар махфий суз сууиладиган булса, узининг



электрон почтасининг адресини киркгиш мумкин. Бу жараёнлар бажарилгандан кейин пайдо буладиган таклиф FTP-сервер билан ишлашга имкон беради.

Агар сиз умумий танишиш учун бирор маълумотни (рекламани, янги дастурларни, мақолаларни ва ш.у.) бермокчи булсангиз, Internet га уланган узингизнинг компютерингизда anonymous FTP сервери-ни ташкил этишингиз керак. Буни килиш жуда оддийдир, шунинг учун бундай серверлар энг куп таркалгандир: фойдаланувчиларга файллар куринишда такдим этилиши мумкин болтан деярли хамма нарса anonymous FTP серверлари томонидан мурожаат килиниши мумкин.

FTP билан ишлашда файлларни кидириш дастури Archie жиддий ёрдам курсатиши мумкин. Archie кидириш мезонини курсатиб, сиз FTP-серверлари руйхатини оласиз, у сизга керакли файлни такдим этади.

TELNET — узокдагн компютер билан ишлаш дастури

UNIX бошқаруви остида ишлайдиган TELNET дастури узокдаги компютер билан алоқа урнатиш ва уни интерактив режимда ишла-тиш имконини беради. Агар сизга бу компютерга мурожаат килишга рухсат берилган булса, худди шу компютернинг оллида бевосита жойлашгандек у билан ишлашингиз мумкин. Яъни TELNET дастури фойдаланувчига баъзи х,олларда узоклашган компютер билан худди " узиники " каби ишлаш ва уз ихтиёрига унинг хамма ресурсларини вақтинчалик олиш имконини беради.

Telnet ва ундан замонавийроқ Remote Access дастури «уй офисларини» ташкил этишда, яъни мутахассисларнинг уйда ишлашида са-марали фойдаланилади.

Маълумот. 1994 йилда 37 млн америкалик уйла узларининг уй офисларида ишлаган, 1997 йил охирига келиб бундай мутахассис-ларнинг сони 60 млн. дан ошиб кетган.

Керакли компютер-сервер билан уланиш урнатилганда TELNET дастурини бажариш учун чакириш (Telnet буйрурини киритиш ке-рак) ва буйруklar сатрида шу компютернинг адресини курсатиш керак. Уланиш жараёнида хост-компютер фойдаланувчининг номини сурайди. Узокдаги тизимда ишлаш учун фойдаланувчи у ерга муро-жаат килиш ҳуқуқига эга булиши керак.

Компютерга муваффақиятли улангандан кейин фойдаланувчи ишлатилаётган терминалнинг типини курсатиши керак. Уз навбатида компютер-сервер одатда фойдаланувчига маълумотнома ахборотини чакириш усулини курсатади.

Узокдан туриб мурожаат билан ишлаш «шаффоф» режимда олиб борилиши мумкин, бунда сервердаги ва мижоздаги дастурлар факат уланиш баённомасини таъминлайди (сиз уз компютерингиз буйрук-ларини ишлатасиз, TELNET дастури эса худди куринмас ёки «шаффоф» булиб қолади) ёки мижоз сервернинг буйруklари тупламини Уз ихтиёрига олади.

Таъкидлаш керакки, хавфсизлик нуктаи назаридан келиб чиккан холда, Telnet ни Internet га улаш учун ишлатишга имкон берадиган Internet нинг узеллари сонини кискартириш юяси белгиланмокда.

Купинча Telnet дастурини ишлаши учун серверларнинг куйида-гиларни уз ичига олган ҳуқуқдари бор:

- кутубхона каталоглари;
- электрон ёллонлар тахтаси.

Адабиётлар.

- 1.Айден, Фибельман. «Аппаратные средство РС» Санкт Петербург 1996.
- 2.Бройдо «Архитектура и программирование IBM» высшая школа. 1994.
- 3.Нольден «Ваш первый выход интернет» Москва 1996.

14-МАРУЗА. Долзарб локал компьютер тармоқлари.

Режа:

1. Локал тармоқларнинг даражали типлари.
2. Тармоқлараро интерфейс.
3. Тармоқнинг дастурий таъминоти.

Таянч тушунча: Сегмент, такрорлагич, маршрутловчи, куприк.

Локал ҳисоблаш тармоғи (ЛХТ) деб, элементлари — ҳисоблаш машиналари (шу жумладан мини ва микро ЭХМ лар), терминаллар, алоқа аппаратурасининг бир-биридан нисбатан унча катта бўлмаган узокликда (15 км гача) жойлашган тармоғига айтилади {локал ҳисоблаш тармоқлари — тармоқнинг ҳисоблаш жараёнлари маълумот жараёнларига Караганда устун бўлган ягона туридир, шунинг учун «ҳисоблаш» сифати бу ерда уринлидир}.

Локал тармоқ одатда битта фирма ёки офис чегарасида маълумотларни йиғиш, узатиш, булиб-булиб юборилган ва тармоқланган қайта ишлаш учун мулжаллангандир, купинча фирманинг ва унинг узоклашган бўлимларининг фаолиятига мосравишда аниқ бир вазифаларни бажаришга ихтисослашади. Куп холларда у узининг локал маълумотли тизимига хизмат курсатаётган ЛХ,Т бошқа ҳисоблаш тармоқлари, ички ва ташқи, хатто ҳудудий ва глобал тармоқлар билан боғлангандир. Хар қандай ҳисоблаш тармоғининг асосий вазифаси унга уланган фойдаланувчиларга маълумотли ва ҳисоблаш ресурсларини тақдим этишдир.

ЛХТларнинг даражали типлари.

ЛХТ ларида фойдаланувчилар учун иккита структур-функционал бугин: ишчи станциялари ва серверлар жуда муҳим ҳисобланади.

Хамма ЛХТ лар ҳам узининг таркибида ажратилган серверларга эга эмас, баъзи холларда сервер вазифаси тармоқнинг ишчи станциялари уртасида тақсимланган каби бўлади.

Шу нуқтаи назардан икки типдаги ЛХТ тугрисида суз юритиш мумкин:

- марказлашмаган бошқариладиган тармоқлар;
- марказий бошқариладиган тармоқлар.

Марказлашмаган бошқариладиган тармоқларда (уларни купинча битта даражали тармоқлар — peer-to-peer деб аташади) ишчи станцияларининг узаро ҳаракатини умумий бошқариш маркази ва қийматларни сақлаш учун умумий қурилма йук. Тармоқни бошқариш вазифаси бир тармоқдан иккинчисига узатилади. Тармоқли операцион тизим ишчи станциялари бўйича тақсимланган. Тармоқнинг хар бир станцияси ҳам мижознинг, ҳам сервернинг вазифасини бажариши мумкин. У бошқа ишчи станцияларини суровларига хизмат курсатиши ва узининг суровларини тармоқ хизматига юбориши мумкин. Тармоқнинг фойдаланувчисига бошқа станцияларга уланган барча периферия қурилмалари (магнит ва оптик дисклар, принтерлар, сканерлар, плоттерлар ва б.) таъллуқли бўлади. Битта даражали тармоқларнинг афзалликлари:

- паст нархи;
- юқори ишончлилиги. Битта даражали тармоқларнинг камчиликлари:
- унчалик куп бўлмаган ишчи станцияларини (10 тадан куп эмас) улаш имконияти;
- тармоқни бошқаришнинг мураккаблиги;
- станцияларни дастур таъминотини янгилаш ва узгартиришнинг қийинлиги;
- маълумотни химоя қилишни таъминлашнинг мураккаблиги.

Битта даражали тармоқлар Arti-Soft Lantastic, Novell NetWare

Lite тармоқли операцион тизимлар MS Windows for Workgroups қобиғи асосида яратилади.

Марказий бошқариладиган тармоқларда (уларни купинча ажратилган серверли тармоқ деб аташади) компьютерлардан (серверлардан) биттаси барча ишчи станциялари ишлатиши учун мулжалланган жараёнларни амалта оширади, ишчи станцияларнинг узаро ҳаракатини ва бошқа бир қатор сервис вазифаларини бажаради.

Маълумотларни кайта ишлаш жараёнида мижоз у ёки бу жараёнларни: файлни уқиш, кийматлар базасидан маълумотларни кидириш, файлни босиш ва х.к. бажариш учун серверга суровни шакллантириши мумкин.

Сервер мижоздан келган суровни бажаради. Суровни бажариш натижалари мижозга узатилади. Сервер умумий фойдаланиладиган маълумотларнинг сакланишини таъминлайди, бу маълумотларга мурожаат қилишни ташкил этади ва маълумотларни мижозга узатади.

Мижоз олинган маълумотларни кайта ишлайди ва кайта ишлаш натижаларини фойдаланувчи учун қулай қурунишда тасвирлайди, маълумотларни кайта ишлаш серверда ҳам бажарилиши мумкин.

Сервери фақат маълумотларни ташкил этиш, саклаш ва мижозларга керакли маълумотларни бериш жараёнларини бажарадиган тизимлар «файл-сервер» тизими номига эга: серверда саклаш билан бир қаторда маълумотларни мазмунли кайта ишлаш ҳам бажариладиган тизимларни эса «мижоз-сервер» тизимлари деб аташ қабул қилинган.

Яъни «мижоз-сервер» тизимида сервер актив роль уйнайди: у суровга бутун файлни оддийгина бериб қолмасдан, балки маълумотларни олдиндан кайта ишлаши ва мижозга, ёки масалани ечилган натижаларини, ёки файлнинг, айнан мижозни қизиқтирган ва мижоз учун тасвирлаш қулай бўлган танлаб олинган ёзувларни

бериши мумкин. Бундай технология, бошқа ҳамма нарсалардан ташқари, тармок алоқа каналларининг кам юкланишига имкон беради. «Файл-сервер» технологияси буйича ишлайдиган сервернинг узини файл-сервер, «мижоз-сервер» технологияси буйича ишлайдиган сервернинг узини эса илова-сервер деб аталади. Ажратилган серверли локал ҳисоблаш тармоқларининг афзалликлари:

- ишчи станцияларнинг сонини чеклашнинг йукдиги;
- битта даражали тармоқларга нисбатан бошқаришни оддийлиги;
- юкори тезкорлик;
- маълумотларни химоя қилишнинг ишончли тизими. Ажратилган серверли локал ҳисоблаш тармоқларининг камчиликлари:
- битта ёки бир нечта компьютерларни сервер учун ажратилганлиги сабабли юкори нархдалиги;
- тармокнинг тезкорлиги ва ишончилигининг серверга боғлиқлиги;
- битта даражали тармокка нисбатан кам мослашувчанлиги. Ажратилган серверли тармоқлар жуда кенг тарқалган ҳисобланади; бундай тармоқлар учун тармоқли операцион тизимларга мисоллар: MS LAN Manager, IBM ва Novell Net Ware.

АЛОҚА КАНАЛЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ.

Маълумотларни узатиш учун моноканалдан (monochannel — бир вақтнинг узила бир нечта абонентлар ишлатадиган алоқа канали, масалан, шинали ва илмокли топологияли тармоқларда) фойдаланадиган локал ҳисоблаш тармоқлари учун мижозларнинг бу каналга мурожаат қилиш масаласи жуда долзарб ҳисобланади. Мурожаат қилишнинг самарали бўлиши учун махсус механизм — мурожаат қилиш усуллари лозим. Моноканалга самарали мурожаат қилишни ташкил этиш учун частотали ёки вақт буйича модуляция бош тамойиллари ишлатилади. Оддий тармоқларда вақт буйича модуляциялаш, яъни моноканал буйича узатилаётган ахборотларни вақт буйича ажратиш тамойили энг қўл қўлланилади.

Вақт буйича ажратишга асосланган мурожаат қилиш усуллариининг бир неча гуруҳлари мавжуддир:

- марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган;
- детерминирланган ва тасодиқий.

Марказлаштирилган мурожаат қилиш тармокни бошқариш марказидан, масалан, сервердан бошқарилади.

Марказлаштирилмаган мурожаат қилиш тармокнинг барча ишчи станциялари томонидан бажаришга қабул қилинган баённомалар асосида, марказ томонидан бирор-бир бошқарувчи таъсирларсиз ишлайди.

Детерминирланган мурожаат килиш моноканалнинг энг тулик ишлатилишини таъминлайди ва хар бир ишчи станцияга аник бир вақт ичида моноканалга мурожаат килишга кафолат берадиган баённомалар билан тасвирлаб чикилади.

Тасодифий мурожаат килишда станцияларнинг моноканалга мурожаат килиши исталган вақтда бажарилиши мумкин, лекин хар бир шундай мурожаат килишда маълумотларни самарали узатишни амалга ошириш имкониятига кафолат йукдир.

Марказлаштирилган мурожаат килишда хар бир мижоз моноканалга куйидаги тартибда мурожаат килиш ҳукукига эга булиши мумкин:

- олдиндан тузилган жадвал буйича — канал вақтини статик булиб чиқиш;
- электрон коммутатор билан бериладиган аниқланган вақт оралиқлари (масалан, хар 15 секундда) орқали катъий вақт буйича коммутациялаш — канал вақтини динамик детерминирлашган булиб чиқиш;
- тармок марказидан ишчи станцияларининг, мурожаат килишнинг кераклигини аниқлаш борасидаги суровини бажариш жараёнидаги амалга ошириладиган мослашувчан вақт буйича коммутацияся буйича — канал вақтини динамик сохта тасодифий булиб чиқиш;

• *махсус пакет* — маркер куринишидаги ваколатни олганда. Биринчи икки усул каналнинг самарали юкланишини таъминламайди, негаки мурожаат килиш мумкин булганда баъзи бир мижозлар кийматларни узатишга тайёр булмасликлари мумкин ва канал улар учун ажратилган вақт оралирида буш туриб қолади.

Суроклаш усули бошқариш маркази аник ифодаланган тармокларда ва баъзида ажратилган абонентлик алоқа каналли тармокларда (масалан, радиал топологияли тармокларда марказий сервер ресурсларига мурожаат килишни таъминлаш учун) ишлатилади.

Ваколатни узатиш усули марказ деб аталадиган (баъзида «эстафета таёкчаси») пакетни ишлатади. *Маркер* — аник бир форматли хизмат пакети булиб, унга тармок мижозлари Узларининг маълумот пакетларини жойлашти-ришлари мумкин. Маркернинг бир ишчи станциядан бошқасига узатиш кетма-кетлиги сервер (бошқарувчи станция) томонидан берилади. Узатиш учун маълумотга эга булган ишчи станция маркерининг бушлигини тахлил қилади. Агар маркер буш булса, станция унга узининг маълумотлари пакетини (пакетларини) жойлаштиради, унда бандлик белгиси урнатилади ва маркерни яна тармок буйича узатади. Ахборот юборилган станция (пакетда албатта адресли кисм булади) уни қабул қилади, бандлик белгисини ташлаб юборади ва маркерни яна узатиб юборади.

Марказлаштирилмаган детерминирланган усулларга куйидагилар қиради:

- аралашиб кетадиган сегментлар усули;
- сегментни улаш усули.

Иккала усул асосан илмокли (халқали) топология тармокларда ишлатилади ва тармок буйича махсус пакетларни узатишга асосланади.

Аралашиб кетадиган сегментлар усули сегмент деб аталадиган пакетни ишлатади. Сегмент — бу тармок буйича эркин айланиб юрадиган пакет булиб, у стандарт вақт оралигини аниқлайди. Сегмент «банд» ёки «буш» булиши мумкин. Агар сегмент буш булса, сегмент етиб борган станция унга узининг маълумотлари пакетни-ни/пакетларини куйиши мумкин, сегментни банд деб белгилайди ва уни узатиб юборади. Бу усул куп жихатдан ваколатни узатиш усулига ухшашдир, лекин сегмент ҳаракатини тармок марказидан бошқарилмайди.

Сегментни улаш усули ҳам сегмент деб аталадиган, тармок буйича эркин айланиб юрадиган пакетни ишлатади. Сегментни олган ишчи станция, хатто агар келган сегмент банд булса ҳам, Узининг маълумотларини узатиши мумкин. Кейинги ҳолатда станция келган сегментнинг ҳаракатини тухтатиб туради (уни вақтинча буферли хотиради эслаб қолади) ва унинг урнига узининг маълумотлар пакети уланган янги сегментни шакллантиради. Станция тармок буйича олдин узининг янги сегментини, кейин эса олдин келган «бегона» сегментни юборади.

Тасодифий мурожаат килиш усуллари тармокнинг барча станцияларини тент ҳуқуқчилигига ва уларнинг исталган вақтда моноканалга маълумотларни узатиш мақсадила мурожаат килиш имкониятита асосланган. Бир нечта станциялар томонидан бир вақтнинг узида

маълумотларни узатишга уринишлар мумкин булганлиги туфайли, улар уртасида купинча жанжаллар (тукнашувлар) пайдо булади, шунинг хисобига тасодифий мурожаат килиш усулини купинча «тортишувлар усули» деб аташади. Жанжалли ҳолатлар сонини камайитириш маълумотларни узатишни истаган станция томонидан монокалнинг бандлигини аниклаш учун, моноканални олдиндан эшитиб куриш йули билан таъминланади. Агар канал банд булса, станция маълумотларни узатишга узининг уринишини унча катта булмаган вақт оралигидан кейин тиклайди. Агарда маълумотларни узатишни бир вақтнинг узида иккита станция бошласа, у ҳолла тукнашув содир булалаи ва маълумотлар моноканалда бузилиб кетади. Иккала тукнашган станциялар узларининг маълумотларини кайтадан узатишга мажбур буладилар.

Тортишувлар усули моноканал кам юкланган, абонентлар сони унчалик куп булмаган тармоқларда ишлатиш учун тавсия этилиши мумкин (тез-тез пайдо буладиган жанжалли ҳолатлар туфайли бу усул каналнинг яхши юкланганлигини таъминлай олмайди).

ТАРМОҚЛАРАРО ИНТЕРФЕЙС КУРИЛМАЛАРИ.

Фирма ривожланишининг аниқ бир босқичида яратилган локал хисоблаш тармоқ вақт утиши билан барча фойдаланувчиларнинг талабларини қондира олмайди ва унинг функционал имкониётларини ва у қамраб олган ҳудудни кенгайтириш талаби пайдо булади.

Фирманинг турли бўлимларида ва филиалларида турли вақтларда пайдо булган турли хил ЛХТ ларини фирма ичида бирлаштириш зарурати пайдо булиши мумкин. Бундай бирлаштириш ҳеч булмаганда бошқа тизимлар билан қийматлар алмашишни ташкил этиш учун баъзида керакдир. Керакли маълумот ресурсларига чиқишга булган интилиш ЛХТ ни юкорирок даражадаги тармоқларга улашни талаб этиши мумкин. Тармоқларни бир-бири билан узаро улаш учун тармоқлараро интерфейс сифатида такрорлагичлар, куприклар, маршрутловчи ва шлюзлар ишлатилади. Такрорлагичлар (repeater) электр сигналларни кучайтирувчи ва сигнални узок масофага узатишда унинг шаклини ва амплитудасини сақлашни таъминлайдиган қурилмалар. Такрорлагичлар очик тизимларнинг Узаро ҳаракат молелининг каналли даражалари баённомалари билан тавсифланади, фақат OSI физик даражадаги (каналли ва ундан юкори даражалардаги бир хил бошқариш баённомалари билан) баённомалар билан фарқ қилувчи тармоқларни бирлаштириши мумкин ва фақат қийматлар пакетларини қайта ташкил этишни бажариб, бу билан уз навбатида уланадиган тармоқларни электр мустақиллигини ва сигналларни ҳалақитларнинг таъсиридан ҳимоя қилишни таъминлайди. Кучайтиргичларни ишлатиш тармоқнинг бир нечта сегментларини умумий қисмга бирлаштириб, битта тармоқнинг узунлигини кенгайтириш имконини беради. Кучайтиргични урнатишда алоқа линиясида физик узилиш содир булади, бунда сигнал бир томондан қабул қилинади, қайта ташкил этилади ва алоқа линиясининг бошқа қисмига йуналтирилади.

Куприклар (bridge) OSI тармоқли даража баённомалари билан тасвирланади, олувчиларнинг адресларига мославишда маълумотли пакетларни филтрлашни бажариб, тармоқли ва ундан юкори даражаларда маълумотларни узатишнинг бир хил баённомаларини ишлатувчи тармоқлар уртасидаги трафикни (қийматларни узатишни) ростлайди. Куприк турли топологияли, лекин бир типли тармоқли операцион тизимлар бошқаруви остида ишлайдиган тармоқларни бирлаштириши мумкин. Куприклар локал ва узоклашган булиши мумкин. Локал куприклар мавжуд булган тизим доирасида чекланган ҳудудда жойлашган тармоқларни бирлаштиради. Узоклашган куприклар ҳудуд жихатдан тарқалган тармоқларни, ташқи алоқа каналларини ва модемларини ишлатиб бирлаштиради. Маршрутловчилар (router) OSI баённомаларини транспортли даражасида тавсифланади ва узининг функцияларини бажаради ва мантикий боғланмаган тармоқларнинг (OSI нинг сеансли ва ундан юкори даражаларида бир хил баённомаларга эга булган) уланишини таъминлайди; улар ахборотни таҳдил қилади, унинг кейинги энг яхши йулини аниқлайди, уни бошқа тармоқда мослаштириш ва узатиш учун баъзи бир баённомали узгартиришларни бажаради, керакли мантикий канал яратади ва вазифаси буйича ахборотни узатади. Маршрутловчилар

сервиснинг етарлича мураккаб даражасини таъминлайди: улар, масалан, тармокни турли хил мурожаат килиш усуллари билан улашлари мумкин, ахборотлар жуда юкланган линияларни четлаб утиб алока линиясидаги юкламаларни кайта таксимлашлари мумкин ва б.

Шлюзлар (gateway) OSI нинг турли баённомаларини унинг ҳамма даражаларида ишлатувчи хисоблаш тармокларини бирлаштириш имконини берувчи қурилмадир; улар OSI моделининг барча етгита бошқариш даражаси учун баённомали узгартириш-ларни бажаради. Маршрутловчи вазифалардан ташқари улар маълумотли пакетларнинг форматини узгартириш ва уларни кайта кодлашни ҳам бажаради, бу бир жинсли булмаган тармокларни бирлаштиришда жуда муҳимдир.

Куприklar, маршрутловчилар ва шлюзлар локал хисоблаш тармогида бу, одатда, дастур таъминотли ва қушимча алока аппаратурали махсус ажратилган ЭХМ дир.

ТАРМОКНИНГ ДАСТУР ТАЪМИНОТИ.

Тармокнинг дастур таъминоти уч қисмдан ташкил топан:

- умумий дастур таъминоти;
- тизимли дастур таъминоти;
- махсус дастур таъминоти.

Умумий дастур таъминоти тармок таркибига қирувчи алоҳида компьютерларнинг базавий дастур таъминотининг ташкил этувчиларидан ҳосил булади ва уз ичига операцион тизимларни, дастурлаштиришнинг автоматлаштирилган тизимини ва техник хизмат курсатиш тизимини олади.

Тизимли дастур таъминоти тармокнинг барча ресурсларини узаро ҳаракатини, умумий тизимники каби, қуллаб қувватловчи дастур воситаларининг комплекси қуринишга эгадир. Махсус дастур таъминоти фойдаланувчиларни тез-тез ечиладиган масалаларнинг дастурлари билан максимал таъминлаш учун мулжалланган ва мос равишда фойдаланувчи мавзу соҳасининг хусусиятига мулжалланган унинг амалий дастурини уз ичига олади. Дастур таъминотидаги алоҳида роль операцион тизимга ажратилади; улар умумий дастур таъминоти таркибида ҳам (алоҳида компьютерларнинг операцион тизимлари), тизимли дастур таъминоти таркибида ҳам (серверда еки битга даражали тармокнинг компьютерларидан биттасига урнатиладиган тармокли операцион тизим) мавжуд.

Тармокли операцион тизим уз таркибига бошқарувчи ва хизмат курсатувчи дастурлар тупламини олади, бу дастурлар қуйидагиларни таъминлайди:

- тармокнинг ҳамма бугинлари ва элементлари ишини узаро мувофиқлаштириш;
- тармок элементлари бўйича ресурсларни тезкор таксимлаш;
- топшириklar оқимини хисоблаш тармогининг узеллари уртасида таксимлаш;
- масалани ечишнинг кетма-кетлигини урнатиш ва уларни умумтармок ресурслари билан таъминлаш;
- тармок элементларини ишга яроқлигини назорат қилиш ҳамда қириш ва қикиш маълумотларининг ишончлилигини таъминлаш;
- маълумотларни ва хисоблаш ресурсларини рухсат этилмаган мурожаат қилишлардан ҳимоя қилиш;
- тармокнинг маълумот, дастур ва техник ресурсларининг ишлатилиши тугрисида маълумотнома бериш. Операцион тизимларнинг функционал имкониятларн утилиталар — амалий вазифаларни бажариш учун операцион тизим томонидан ишлатиладиган махсус дастурлар ёрдамида кенгайтирилади.

Адабиётлар.

1. Айден, Фибельман. «Аппаратные средство РС» Санкт Петербург 1996.
2. Бройдо «Архитектура и программирование IBM» высшая школа. 1994.
3. Нольден «Ваш первый выход интернет» Москва 1996.

15-МАРУЗА. Глобал компьютер тармоқлари. Глобал тармоқларнинг турлари. Internet тармоғи архитектураси.

Режа:

1. Интернет нима.
2. Интернет тармоғи тугрисида умумий маълумот.

Таянч тушунча: Интернет, вертуал офис, мижоз, host.

Парадокс шундаки, Internet физик компьютер тармоғи сифатида аслида мавжуд эмас. Internet — бу бир-бири билан алоқа каналлари (мавжуд болган телефон каналлари ва кабелли алоқа каналлари) бзуйича мулоқот қиладиган турли хил компьютер тар-моқларининг бутун жахон уюшмасидир.

Лекин шундай булсада: Internet — бу қуғшаб глобал, регионал ва локъл тармоқларни бирлаштирувчи бутун жахон глобал компьютер тарморидир. Бошқача айтганда, Internet — бу бутун ер шарикни ураб олган тармоқларнинг тармоғидир.

Жахон микёсида бу тармоқ фантастик мураккаб ва чигаллашиб кетган булиб куринади, узининг « ахалисига » эга ва шахсий ҳаёти билан яшайди. Шунинг учун ҳам виртуал (булиб туюлади-ган) шаҳар тармориди, қупроқ — ҳаттоки виртуал мамлакат ёки луне тугрисида гапиришади. Ҳозирданок Internet бутун жахондаги ун миллионлаб фойдаланувчиларни бирлаштирган ва ҳар йили бу мамлакатнинг аҳолией тэхминан икки марта қупаймоқда.

Internet бизни нимаси билан узига жалб қилмоқда. Бу тармоқ билан ҳатто тасодифий ишлаган одамлар нима учун унинг ашаддий муҳлиси булиб қолади, тармоқ фахрийлари эса Internet мамлакатила узининг мавжудлигини давом эттириш учун қуғпина иктисодий фаровонликларни қурбон қилишга ҳам тайёрдирлар.

Яқин вақтгача Internet илмий ҳодимларга мулжалланган эди ва укув аудиторияли, улкан қутубхонали ва қуғшаб жойли университет шаҳарчасини қупроқ эслатар эди, у ерда талабалар ва укқувчилар ишдан буш вақтларида узаро мулоқотла булишлари ва уларни қизиктирган исталган маълумотларни олиши мумкин эди.

Бугун Internet улкан мегаполисга ухшайди, у ерда университет энди асосий диққатга сазовор жой булмай қрилган ва ҳатто виртуал офислар, магазинлар, миллий даҳалар ва оммавий ва шахсий ууин-қулғи учун жойлар орасида бирмунча йуқолиб кетган. Ва шаҳарга истаган одам қи-риши мумкин булиб қолди, бундан ташқари, у ерга уни ҳар қанақасига таклиф этмоқдалар ва тузюкка илинтирмоқдалар. Ҳақиқатда Internet — бу модемли компьютерга ва баъзи бир махсус дастур таъминотида эга булган исталган фойдаланувчи учун очик булган, умумий муружаат қилинади-гантармоқдир. Лекин бизнинг муносабатларимизда Internet га ҳозирча алоҳида сами-мийлик қузатилмаяпти. Бизнинг шахсий компьютерларга муносабатимиз қабии ҳатто баъзи бир ухшашлик яққол қузга ташланмоқда. Ҳали Ю йил олдин ҳам биз уларга мавҳум ва бегонача муносабатда эдик, уларнинг бизнинг ҳаётимизга қанчалик жадал ва узвий қушилиб кетганлигини биз тасаввур қила олмас эдик (турри, уша вақтда бу қисман компьютер-нинг юқори нархи билан тушунтирилган эли). Ҳозирда деярли ҳар қим узининг ШҚ ни Internet га амалда ҳам, аслида ҳам текинга улаши мумкин, Internet тарморидан уни қизиктирган ихтиёрий мах-фий булмаган маълумотларни энг қам нархла олиши мумкин, тармоқ буйича узининг исталган мамлакатдаги ҳамқасбларига,моспотта қаражатларидан бирмунча паст нарҳда, ҳатларни юбориши мумкин, internet га узининг рекламасини жойлаштириши мумкин ва уни бутун дунё-даги миллионлаб одам қуради, ва ... деярли ҳамма нарсани, ҳатто узининг буш вақтини мазмунли ва қизикарли угқазишни ҳам (шу билан бирга унинг қизикишларига ва иштиёқларига боғлиқ булмаган қолла) амалга ошириши мумкин. Internet буаҳборотларнингчексиздунёси-дир, бу ҳдқиқатда узгача виртуал мамлакатдир, унта қириб олиш ва у ерда узюк, ваҳт яшаш мумкин.

Internet нима узии — навбатдаги одатий (модали) қиёқишми ёки инсониятнинг қелажағимиу Англаб етилган қурурият ёки нима билан шугулланишни ва ортиқча юзлаб долларларни нимага сарфлашни билмайдиганлар учун эрмақмиу Унисии ҳам, бунисии ҳамдир ва учинқисии

хамдир — кискаси хаммаси! Шунинг учун ҳам бу тармокнинг барча имкониятларини оддийгина эслатиб утиш аслида мумкин ҳам эмас.

Internet тармога охирги фойдаланувчига — компьютер мутахасси-сига ҳам, оддий фукарога ҳам мулжалланган. Тармоқда ҳар биримизнинг касбий фаолиятимиз учун керак бўлгани каби, меъёрадаги шинам ҳаёт учун талаб этиладиган ҳамма нарса бор. Журналист Internet да энг янги янгиликларни топали, илмий ходим — унн кизиктирган муаммо бўйича охирги тадқиқотлар материалларини, тижоратчи эса дунёнинг исталган биржасидаги валюта котировкасини (баҳреини) билиб олади. Авиабилетни ёки Европа ёки Америкадаги ихтиёрий шаҳарнинг меҳ-монхонасида номер буюртмокчимисиз — бу мумкиндир; узингизнинг танишларингизга совгаларни танлаш, сотиб олиш ва топширишни хох-лайсизми — марҳамат; бирор-бир шу кунги муҳим муаёмоларни муҳокама қилишда иштирок этиш хоҳишингиз борми — айтилганидек, муаммолар йук. Бошланишда оддий тадбиркорга Internet тармога нима учун кераклигини тушуниб олишга ҳаракат қиламиз!

—Internet нинг тадбиркорлар учун муҳим бўлган *биринчи* муҳим вазифаси ахборот вазифасидир. Тармоқдан кизиктирган исгалган махфий бўлмаган биржага оип ва тижорат ахборотларини, илмий ва сиёсий ахборотларни ва шу олиш мумкин.

—*Иккинчи вазифа* — коммуникация вазифаси. Тармок технологиялари фойдаланувчига телефон бўйича исталган шаҳар ва мамлакатдаги узининг шериклари билан гаплашиш имконини беради, шу билан бир каторда бу оддий телефон алоқасидан арзонроқдир; оддий почтаи ишлатганга Караганда кам харажат қилиб ва шунинг билан бирга сезиларли даражада тезроқунга факс ёки хат юбориш мумкин.

—*Учинчи вазифа* — кенгаш вазифаси. Internet тармори — бу мутахассислар ва компютерлардан фойдаланувчилар «учрашадиган» ва уларни кизиктирган муаммоларни муҳокама қилиши, интерактив режимда фойдали маълумотлар билан алмашиши мумкин бўлган жой.

—*Туртинчи вазифа* — тижорат вазифаси. Бутун дунёда тармок бўйича савдо фаол ривожланмокда. Имкониятли харидор уз ШК нинг экранда товарларни қуриб чиқади, буюртма беради ва кредит картчаси бўйича уларга ҳақ тулайди. Товар унта энг яқин савдо пунктдан олиб келинади, табиийки, энди тармок бўйича эмас.

—*Кейинги вазифа* — реклама вазифаси. Internet бўйича реклама бериш, биринчи навбатда унинг оммавийлиги ва тезқорлиги туфайли, жуда самаралиир.

—*Олтинчи вазифа* — кунгил очиш вазифаси. Катта микдордаги кунгил очар адабиётларни ва фильмларни ўқиб чиқиш ва қуриш мумкин; энг мароқли компьютер ўйинларини ўйнаш мумкин, турли хил музейларнинг ва мамлакатларнинг гузалликларига саёҳат қилиш ва улардан завқланиш мумкин ва бошқа қўпгина шунга ўхшаш нарсалар.

—Ва нихоят — махсус компютерли вазифаси. ШК дан фойдаланувчилар энг янги дастур воситаларини, курсатмаларни ва тармоқда ишлаш бўйича тавсияларни, шу билан бир каторда қўпича текинга олиши мумкин.

INTERNET ТАРМОГИ ТУГРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР.

Internet тарморини ташкил этиш учун асос АКШ мудофаа вазирлигининг компьютер тармоғи ARPAnet (ARPA — Advanced Research Projects Agency) бўлган эди, у 70-йилларнинг бошларида илмий ташкилотлар, ҳарбий муассасалар ва мудофаа саноати корхоналари компьютерларининг алоқаси учун яратилган эди. Тармок Пентагоннинг иштирокида ташки таъсирларга мустаҳкам ёпик инфраструктура каби қурилган, у ядровий ҳужум шароитларида омон қолишга кодир, яъни унинг ишончилигига катта эътибор берилган эди. Вақт ўтиши билан тармок стратегик аҳамиятини йўқотди; ҳусусий шахслар ва нодавлат компьютер тармоқлари унинг асосий миқозлари бўлди. Internet номининг ўзи («тармок уртасида») унинг вазифасини курсат-моқда: алоҳида локал, ҳудудий ва глобал тармоқларни умумий ахборот кенглигига бирилаштириш. Internet унта уланган тармоқлар таркибига қирган барча компьютерлар уртасида ахборот алмашилишни таъминлайди. Компютер типини ва унда ишлатиладиган операцион тизим тури аҳамиятга эга эмас.

Хрзирги вақтда Internet — бу глобал китъалараро тармокдир; у унлаб миллион компьютерларни ва локал тармоқларни бирлаштиради. Тармок умумий бошқариш марказита эга эмас ва кимнингдир мулки ҳам эмас— Internet нинг бошқз компьютер тармоқларидан муҳим фарқи ана шундалир. Асосланган маъпумотлар буйича 2000 йилда унинг фойдаланувчилари сони 200 млн одамдан ортиб кетган.

Internet нинг асосий ячейкаси — локал ҳисоблаш тармоқларилир. Лекин Internet га мустакил уланган локал компьютерлар ҳам мавжуддир. Internet га бевосита уланган тармок ёки локал компьютерлари. хосткомпьютерлар (host — хужайин, эга) деб аталади. Агар бирор локал тармок Internet га уланган булса, у ҳолда бу тармокнинг ҳар бир ишчи станцияси Internet га чиқишга эгадир, лекин узининг хосткомпьютери оркали чиқади. Тармокка уланган ҳар бир компьютер узининг адресига эга, шу адрес буйича уни лунёнинг исталган нуктасидан абонент топиб олиши мумкин.

Internet тармоганинг струюураси типик мижоз серверли, яъни тармокдан асосан ахборот олувчи компьютерлар бор — булар «мижозлар». мижозларни ахборот билан таъминловчи компьютерлар ҳам бор — булар «серверлар» (табийки, серверлар ҳам маътумот оладилар, аниқрот уни йигадилар, лекин барибир уларнинг асосий вазифаси ахборотни беришдир).

Internet тармоки лавҳасининг мумкин булган структураси 72-расмда курсатилган.

Internet нинг муҳим хусусияти шундаки, у турли хил тармоқларни бирлаштириб, бунда ҳеч қандай иерархияни ҳосил қилмайди

— тармокка уланган барча компьютерлар тенг ҳуқуқлидир.

Адабиётлар.

1. Айден, Фибельман. «Аппаратные средство РС» Санкт Петербург 1996.

2. Бройдо «Архитектура и программирование IBM» высшая школа. 1994.

3. Нольден «Ваш первый выход интернет» Москва 1996.

16-17 - МАРУЗА. Корпоратив компьютер тармоқлари. Корпоратив КТ архитектурасининг хусусиятлари. ККТда мамурлаш ва сервис хизмати

Режа:

1. Интронет вазифаси ва турлари.
2. Интранетнинг дастурли таъминоти.

Таянч тушунча: Мижоз-сервер, гипермедиа, мультимедиа, аудио ва видео ахборот.

Intranet — бу хусусий фирмалар ичидаги ёки фирмалар уртасидаги компьютер (корпоратив) тармогадир, у Internet тарморига мурожаат қилиши мумкин, унда Internet технологиясини ишлатилиши туфайли кенгайтирилган имкониятларга эга, лекин ташқи фойдаланувчилар то-монидан узининг ресурсларига мурожаат қилишдан химоялангандир. Уни локал тармоқларни ва Internet тармога воситаларини ишлатиб, фирмалар уртасидаги ва фирмалар ичидаги маълумотларни сақлаш, уза-тиш ва қайта ишлашни бажарадиган тизим каби қараш мумкин.

Тулиқ функцияли Intranet тармори энг қаида қуйидаги асосий тармоқтехнологияларининг бажарилишини таъминлаши керак:

- тармоқни бошқариш;
- қолган ҳамма хизматларни ва ресурсларни Узида акс эттирувчи тармоқ каталоги;
- тармоқнинг файл тизими;
- ахборотларни интеграллашган узатиш (электрон почта, факс, телеконференциялар ва бошқалар);
- World Wide Web да ишлаш;
- тармоқли босиш;
- маълумотларни рухсат эгилмаган мурожаат қилишдан химоя қилиш.

Intranet Internet нинг ташқи фойдаланувчилардан тармоқли химоя воситалари — брандмаузерлар ёрдамида ажратиб қуйилиши мумкин. Одатда брандмаузерларнинг дастурий таъминоти маршрутизаторларда ёки ажратилган серверларда энг қаида ташқи абонентнинг вако-латини ва унинг махфий сузни билишини текширади, шу билан бир қаторда тармоққа рухсат этилмаган мурожаат этишдан химоя қилиш-ни ва ундан яширин маълумотларни олишни таъминлайди. Internet тарморидаги маълумот ва унинг барча хизматлари эса корпоратив тармоқнинг ҳамма фойдаланувчилари учун тегишлидир. Замонавий юқори рақобатли бозор шароитида энг янги маълумотларга йул топиш бизнесдаги муваффақилтнинг энг муҳим таш-қил этувчиси бўлмоқда. Шунинг учун Intranet тармоғини ҳозир корпоратив иловаларни амалга ошириш учун энг истикболли муҳит деб қараш мумкин.


Intranet тарихи 1994 йилдан бошланади, у вақтда бу атама Internet тарморида узлаштириб олинган тамойиллар асосида қаралган корпоратив маълумот тизимлари учун тақлиф этилган эди. Бу ёнда-шиш ихтиёрий қорхона учун, аниқ бир ишлаб чиқариш ихтисоси ва микдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда универсалдир. Унчалик қатга бўлма-ган қорхона учун Intranet тармоғининг мумкин бўлган конфигура-цияси 77-расмда қурсатилган.

Intranet — бу синаб қурилган Web-технологияларни корпоратив-лар ичидаги тармоқларга қучиришдир. Intranet билан Internet уртасидаги фарқ технологиядан қура қупроқ маънавийдир. Бу иққала тармоқ бир хил дастур махсулотларини, баённомаларини ва стандартлари-ни ишлатади. Улар уртасидаги асосий фарқ шундаки, Intranet да айланиб юрадиган маълумот оммавий ишлатиш учун мулжалланмаган. Шунинг учун мурожаат қилишни муаллифлаштириш ва қийматларни сирли химоя қилиш усуллари қулланилади.

Корпоратив вазифали (groupware) махсулотлардан фарқли Уларок Intranet-тизимлар тайёр ечимларга таянади ва арзонроқдир. Чунончи, чет эл иктисодчиларининг баҳоларига Қараганда, Intranet ни татбиқ

77-расм. Унчалик катта булмаган корхона учун Intranet тармогининг конфигурация:

1—лазерли принтер; 2—уздукснзозукаманбаи; 3—тармокмаъмуриятинингишжойи; 4—рахбарнинг иш жойи; 5—бош хисобчининг иш жойи; *—бошкарувчининг иш жойи; 7—хисобчннинг. разначннинг иш жойи; 8—магрицали притер; Р-умумлаштрмрвчн.



килиш нархи йирик корпорацияларда битга иш урнн хисобига 50 долларни ташкил этади. Internet дан турли-туман техник воситаларни ва операион тк-зимларни битга инфраструкту'рага бкрлаштиришнинг оддийлиги кабул килиб олинган.

Корпоратив тизимларни ишлаб чиқиш жараёни анчагина соддала-шади, чунки икгеграцион лойихани ишлаб чиқиш зарурати керак булмай қолади. Демак, алоадда булинмалар, узггарининг ЛТСГларини, серверла-рини ишлатиб, уларни бошкэ булинмалар билан кеч бошамаган холла, хусусий қисм тизимларини яратишлари мумкин. Зарур булиб колгандз эса'улар корхонанинг умумий тазимиға уланишлари мумкин.

Мижознинг жойида HTML-файлларки куринаджан тасвирға айлан-тиришни амалга оширадиган дастур-браузер булиши керак. Бу файлларға

фойдаланувчининг операциян мухктиға бонлик булмаган равишда му-рожаат килиш мумкин. Шундай килиб, хамма сервер-1И иловалар мижоз-ларға богликбСлмаган равишда яратилиши мумкин ва серверли илова-ларни ишлаб чиқиш корхонанинг *функционер вазифаларига ва универсал мижознинг* мавжудлигита тулик йуналтирилгандир.Йирик корхоналарни замонавий бошқариш тизимлари катъий марказлашган тизимлардан то тармокланган тизимларгача булган йулни босиб утди. Таксимланган бошқаришни куллаб-қувватлашни таъминлайдиган маълумотли технология "мижоз-сервер" архитекту-рали тизимлар асосида курилган. Таксимланган бошқариш, таксимланган ма-ътумотлар базасини (маълумотларнинг бутунлилигини ва карама-карши эмаслигини, долзарблиликнинг синхронлигини, рухсат этилмаган мурожаат килишдан химоя килишни ва б. таъминлаш) бошқариш соҳасида, маъпумот ва хисоблаш ресуреларини маъмурий-лаштиришда ва б. жиддий муаммолар пайдо булишига карамасдан, таксимланган коммуникациялар билан бирга кушилиб кетди.

Бошқариш тизимларини Intranet тамойили асосида куриш маълумот-ларни саклаш марказлашган тизимларининг ятти сифатларини таксимланган коммуникациялар билан бирга кушилиб кетишига имкон беради.

Идоравий ахборот-хисоблаш тармоклари ривожланишининг тах-лили уларни куришни технологик хусусиятларини вакгнинг турли даврларида таърифлаб бериш имконини беради; 34-жадвалда бунинг катталаштирилган кууиниши келтирилган.

Куп холларда мижозларнинг универсал ишчи жойлари тарнок компьютерлар билан (NC —

Идораий маълумот тармоқларининг эволюцияси

Вакт даври	Тармок категория-си	Узатилади-ган ахборот	Трафик тури	Трафикни бошқариш мақсади
1995 йил-гача	"Мижоз-сервер" типдаги тармок	Рақамли маълумотлар	Сервер билан ишчи станциялари ўртасидаги маълумотларнинг моноокими	Ўтказиш қобилиятини ошириш
1995—1997 йй.	Корхона-нинг интратар-ноғи	Рақамли маълумотлар, матн, графика	Юқоридагидек, лекин тармокнинг турли серверларида жойлашган маълумотларни уланишлар ва қўлаб юборишлар билан бойитилган (фойдаланувчи эса умумий алоқа оқимини кўради)	Ўтказиш қобилиятини масштаблаш ва оптималлашти-риш
1997 йилдан кейин	Ҳақиқий вақт иловалари билан интратар-мок	Шунинг-дек + аудио ва видеоахбо-рот	Гипермедиага (мултимедиа муҳитларидаги гиперусулга) асосланган трафик, шу жумладан, ҳақиқий вақтда ишлайдиган иловаларни қўшган ҳолда; товушли телефон, видеоконференциялар, аудио ва видеодастурлар, масофадан туриб кўриш	Хизмат кўрсатишнинг кафолатланган сифати

network computer) жихозланган були-ши мумкин.

Дастур таъминоти кисми буйича NC ларга асосий талаблар Oracle компанияси томонидан таърифлаб берилган.

- NC нинг тизимли дастур таъминоти Java ва HTML тиллари асосида курилган тулик функцияли амалий муҳитнинг мавжудлигини такозо килади. Бу очик муҳитларни куллаб-кувватлаш, Web-технологияларга асосланадиган ҳам мавжуд булган, ҳам ишлаб чикилади-ган иловалар тупламага мурожаат килишни таъминлайди.
- Web-браузерлар янги тизимларда янги вазифаларга эга булади, чунончи охирги фойдаланувчининг интерфейс воситаси булади;
- Ишчи гуруҳдари аъзоларнинг узаро харакатини таъминлаш идора (офис) фаолиятини автоматлаштириш — электрон почта, календар-режаловчи ва б. (масалан NC учун Oracle InterOffice).
- Офисли иловалар (Corel Office for Java) — World Perfect матн муҳаррири ва QuattroPro электрон жадвали.
- NC сервери тармокни рухсат этилмаган мурожаат килишдан химоя килишни, тармок ресурсларини бошқаришни, иловаларни ишга туширишни ва таксимлашни таъминлаши керак.
- Фойдаланувчиларни идентификациялаш мақсадлари учун SmartCard NC карточкаларини кенг ишлатиш.

Бундай талабларга ихтисослашган техник воситалар мосқилиши мумкин:

- NC — телевизорлар — интерактив телевидения учун курилмалар;
- NC — телефонлар ва видеофонлар;
- Электрон почтани қабул килиш ва кайта ишлаш имкониятига эга болган NC-ён дафтарчалар (Personal Digital Assistants).

Корпоратив тармокларда ишлашга мулжалланган тармок станци-ялари минимал тармокли маъмуриятчилик гоёсигамосравишда таш-кил этилган. Станцияни ишлаш пайтида керакли иловалар сервердан юкланади. IBM нинг ҳамма серверли платформалари куллаб-кувват-ланади.

INTRANET НИНГ ДАСТУРЛИ ТАЪМИНОТИ.

Internet ни ташкил этиш учун ҳозирги вақтда, эҳтимол, Novell фирмасининг ушбу дастур маҳсулотлари энг фойдалидир: Intranet Ware (IW), Intranet Ware For Small Business (IW FSB) ва Group Wise (GW).

Intranet Ware дастурлари урта ва йирик фирмаларга мувожааланган ва Internetта корпоратив тармоқ мижозлари учун хизматларнинг тулиқ комплексини амалга оширишнинг кенг сервислар мажмуини тақдим этади. Internetта мувожаат қилиш ташқидидан булганлиги учун тармоқда махфий маҳсулотларни рухсат этилмаган мувожаат қилишдан ҳимояловчи тизимни ташкил этиш керак. Бунда икки (ёки кўпроқ) Web-серверга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир: умумий мувожаатқилинадиган сервер ва ички фойдаланиладиган сервер. Умумий мувожаат қилинадиган сервер фирманинг очик маълумотини Узила сак-лаши ва корпоратив тармоқнинг ҳимоя линияси олдидан жойлашиши керак — унга мувожаат қилиш Internet нинг ҳамма фойдаланувчилари учун очикдир. Ички фойдаланиладиган сервер хизмат маълумотини узила саклаши ва у ташқи фойдаланувчилардан ҳимоя қилинган бўлишилозим.

Intranet Ware тармоқда маълумотни ҳимоя қилиш АҚШ ҳукумати томонидан епик маълумотлар учун урнатилган энг юқори C2 стандартига мосқилиши керак — ҳимоя фойдаланувчилар, серверлар ва узатиш муҳитлари даражасида амалга оширилади. Қўл баённомали Novell MPR 3.1 маршрутизатори, масалан, турли баённомалар учун филтрлаш механизмлари тугри созланганда, факт корпоратив тармоққа аралашиларга интилишларга самарали қарши ҳаракатни таъминлабгина қолмасдан, балки қийматларни узатиш жараёнларини, тармоқ ичидаги коммуникацион усқуналар билан Узаро ҳаракат жараёнларини оптималлаштириш имқонини беради ва ISO ни турли баённомаларини ишлатадиган тармоқлар Уртасидаги узаро ишини енгилаштиради. Intranet Ware ни Internet га улашда ишлатиладиган их-тисослашган IPX/IP шлюзи корпоративтармоқдаги фойдаланувчиларнинг IP-адресларини тежашдан ташқари, улар учун бу вариантда ташқи уланишлар учун бир хил адрес қўзда тутилгани сабабли, тармоққа ташқаридан мувожаат қилишни самарали блоқировка қилишни амалга оширади, чунки коммуникациянинг ички қоидалари уму-ман олганда ташқи қоидалардан фарқ қилади.

Intranet Ware дастурлари тарқибига ҳозирда энг оммавий булган Netscape Navigator браузерлари қиради, у Web-серверлардаги маълумотни қўриб қилиш, электрон почта ва телеконференциялар билан ишлаш, хусусий Web-ҳужжатларни яратиш имқонини беради. Intranet Ware дастурлари қидирув тизимлари, Gopher дастурлари, Internet да FTP билан ишлаш ва бошқа қўлгина нарсаларнинг имқонини беради. Ишонқли ва синалган Intranet Ware технологияси Internet Ware For Small Business тизимининг асосини ташкил этади, бу тизим кичик бизнес соҳасида қўлланишга мувожааланган бўлиб, унда корпоратив тармоқда ишлайдиган ШҚлар сони 25 тадан ошмайди, серверлар сони эса 5 тадан ошққ эмас ва уларнинг ҳаммаси битта офисда жойлашган. IW FSB тармоғи оддий, қўлай ва тежамлидир, унга тармоқ мувақассиси бўлмаган фойдаланувчиларнинг узлари ҳам хизмат қўрса-тишлари мумқин. Бу тармоқнинг қўмпьютерлари 486 DX ва ундан юқори МП, 24 Мбайтдан қам бўлмаган тезқор хотира, 200 Мбайт ли винчестер ва CD ROM га эга бўлиши керак.

INTRANETДА ТАРМОҚ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Корпоратив тармоқда электрон почта муҳим роль уйнайди: қўмпаниянинг бир-биридан ҳудул жихатилан узокда булган шўба қор-қоналарини узаро боиқайди, қодимлар уртасидаги тезқор ҳаракатини таъминлайди ва тадбирқорлик жараёнларини тезлаштиради.

Оддий ахборотлардан ташқари, электрон почта бўйича қўрмада қатта ҳажмли файлларни ҳам, олдий ҳисоботлардан тортиб то мурак-қаб мултимедиа тақдимотларга қаб юбориш мумқин.

Телеконференциялар масоқадан туриб қамоа бўлиб лойиха усти-да ишлашни таъминлаши мумқин.

Intranet да ишлатилаётган World Wide Web технологияси, бу оддийгина маълумотли олтин томир булиб, уни корпорациялар исталган макрадлар учун ишлатиши мумкин. Маълумотларнинг қапа хажми ва доимий янгиланиши WWW ни, хисоботлар учун маълумотлар олиш, янги махсулотлар тугрисида маълумотлар керак булганда муҳим фойдали восита килиб қуяди. World Wide Web маркетинг, самарали реклама ва уз махсулотини сотишни амалга ошириш ва бир вақтнинг узида рақобатчилар нима билан шугулланаётганини енгил билиб олиш, анъаналарни тадқиқ қилиш, *янги* технология ва материалларни урга-нишни амалга ошириш имконини беради.

Бугунда «куч - билимда» ибораси ҳар қачонгидан ҳам ҳаққоний-роқдир, шунинг учун Intranet ходимларга жамоа ишига самарали ки-ришишга имкон берибгина қолмасдан, балки уларга бунинг учун за-рур ҳамма нарса билан қуролланиш имконини беради.

Шу фикр ҳам муҳимки, тармоқвақтини тежайди, фирманинг ички ҳужжатларини анъанавий усуллар билан босиш ва тарқатиш зарура-тидан ҳалос этади. Intranet билан жиҳозланган фирма узининг узел-ларида муҳим ички ҳужжатларни чоп этиши мумкин: ички тартиб қоидалари, ходимлар тугрисидаги маълумотлар ва кадрлар алмашиш-лари, раҳбарларнинг буйруқлари, махсулотлар тугрисидаги маълумотлар, реклама маълумотлари, соҳа таҳлилчиларининг хисоботлари, прайс-варакдар ва каталоглар. Бу ҳужжатларнинг ҳаммаси тармоққа уланган исталган компьютер учун бир онда қул узатса етгудек булиб қолиши ҳам муҳимдир.

Адабиётлар.

1. Айден, Фибельман. «Аппаратные средство РС» Санкт Петербург 1996.
2. Бройдо «Архитектура и программирование IBM» высшая школа. 1994.
3. Нольден «Ваш первый выход интернет» Москва 1996.

